

ONLINE-MULOQOT

«12 октябрь куни соат 16:00 дан 17:00 гача форумда Халқ таълими вазири А.Мараҳимов билан online-мулоқот бўлади. Саволларингизни, фикр-мулоҳазаларингизни қолдириш.

Саволларингизни, шунингдек, куйидаги электрон почта манзилига ҳам юборишингиз мумкин: muloqot@inbox.uz.

Шу мазмундаги эълон Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz веб-сайти ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ЎзИнфоком марказининг www.uForum.uz веб-сайтида бундан бир ҳафта олдин пайдо бўлган.

Куни кеча Халқ таълими вазирлигида вазир Авазжон Мараҳимов билан Интернет орқали бевосита (online) мулоқот ташкил этилди. Мазкур тадбир ҳақида олдиндан эълон берилганлиги боис электрон почта манзилига ҳамда шу куннинг ўзида тўғридан-тўғри форумга келиб тушган саволлар миқдори 100га яқини ташкил этди. Саволларни мазмун жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, улар асосан таълим жараёнини ташкил этиш, янги ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилган янгиликларни жараёнга татбиқ қилиш билан боғлиқлигини кузатиш мумкин.

Савол:

«Ассалому алайкум, Аваз Раҳимович!

Саволим куйидагича:

Бу йил баъзи фанлардан янги иш режалари ишлаб чиқилди. Бу, албатта, яхши. Лекин амалдаги дарсликларда ўша режадаги мавзулар акс этмаган. Бу ҳолда ўқитувчи нима қилиши керак? Дарсни-ку амаллаб ўтар. Лекин ўқувчиларга уйга вазифа бериш керак-ку. Ўқувчи уйда нимани ўқиб дарсга тайёргарлик кўради? Бундай ҳолларда ўқитувчи ва ўқувчилар нима қилишлари керак? Ота-оналар пул тўлаб олиб берган дарсликларда йўқ бўлган мавзулар учун яна алоҳида китоб сотиб олишлари керакми?»

Жавоб:

— Дарҳақиқат, янги ўқув йилидан бошлаб узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш нуқтаи назаридан оптималлаштирилган ўқув дастурлари асосида тақвим-мавзу режаларига ўзгартиришлар киритилди. Оптималлаштирилган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича методик тавсия ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур методик тавсияда айнан дарслик билан иш режа ўртасида юзага келган тафовутларга барҳам берилган. Ушбу тавсиялар ва оптималлаштирилган ўқув дастурлари ҳар бир мактабга етарли миқдорда тежалган ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан чоп этилди. Шу билан бирга оптималлаштирилган ўқув дастурлари, уларни амалиётга жорий этиш бўйича методик тавсиялар ҳамда тақвим-мавзу режаларининг электрон вариантларини вазирликнинг www.uzedu.uz сайтининг «Педагогларга» рукнидан олишингиз мумкин.

Белгиланган даврда дарсликларни қайта нашр этиш жараёнида мазкур ўзгаришлар тўлақонли равишда акс эттирилади.

Савол:

«Хурматли Аваз Раҳимович!

Мактабларнинг «ZiyoNET» тармоғи орқали интернетга улангани жуда катта иш

бўлди. Бундан биздан кўра кўпроқ ўқувчилар хурсанд бўлишмоқда. Лекин фақатгина Tas-IX тизимидаги ресурсларга кириш мумкин, холос, бу тизимдан ташқарига — Интернетга чиқиш учун бизга йўл очиладими?»

Жавоб:

— Маълумки, 2010 йил охиригача барча умумий ўрта таълим муассасалари «ZiyoNET» тармоғи орқали Интернетга уланиши режалаштирилган.

Бугунги кунда фақат Tas-IX тизимидан фойдаланаётган умумий ўрта таълим мактаблари бўйича молиявий ва техник масалалар тўлиқ ҳал қилинганидан сўнг, барча таълим муассасалари Интернет тармоғига чиқиш имкониятига эга бўлади. Ушбу масалалар 2010 йилнинг охирига қадар ҳал этилиши режалаштирилган.

Бир соат давом этган online-мулоқотда мамлакатимиз таълим тизимида меҳнат қилаётган кўплаб халқ таълими ходимлари, ўқувчи-ёшларимизнинг ота-оналари ҳамда соҳага бефарқ бўлмаган юртдошларимиз ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишга муваффақ бўлдилар. Ҳатто саволига жавоб олгач, яна бошқа савол билан мурожаат қилувчиларни кўриб, ана шундай бевосита мулоқотнинг бугунги кунда жуда долзарб эканлигини, бу жараён кўп сонли ўқитувчию мураббийларимизни фаоллаштириб, замон билан ҳамнафас фаолият юритишга ундашини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юқорида келтириб ўтилган веб-сайтлар орқали online-мулоқот билан тўлиқ танишишингиз мумкин.

МУХБИРИМИЗ.



МУСОБАҚА-ДАРС

Ўқувчилар билимини бойитмоқда

Ҳар бир ўқувчи, у қайси касбни танламасин, албатта, ўз она тилини мукамал билиши лозим. Тилни яхши билиш эса мактаб партасидан бошланади. Октябрь — филология йўналишидаги фанлар ойлиги давомида ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг билимини ошириш, уларнинг қалбида она тилимизга, адабиётга ҳавас уйғотиш мақсадида режа асосида тадбирлар уюштирмоқдалар. Жумладан, бадиий асарлар кўргазмаси, тилимиз — маънавий бойлигимиз, энг яхши дарс ишланмаси, энг яхши фан хонаси каби кўргазма ва танловлар ташкил этилмоқда.

— *Фан ойлиги давомида бўлиб ўтаётган тадбирлар орасидан бадиий асарлар кўргазмаси ҳамда энг яхши дарс ишланмаси кўрик-танлови алоҳида аҳамиятга эга, — дейди методбирлашма раҳбари М.Тўраева. — Фан ойлигига фан ўқитувчилари катта тайёргарлик кўришди. Улар ўқувчилар иштирокида мусобақа дарслари ташкил этиб, уларнинг билим самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.*

Шунингдек, фан ойлиги доирасида бўлиб ўтадиган тадбирлар режасига шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиш, адабиёт музейига саёҳат уюштириш ҳам киритилган бўлиб, бу ўқувчилар билимини мустақамлашга, фанларни янада катта қизиқиш билан ўрганишга ундайди.

Муҳайё САДИКРОМОВА,

Чилонзор туманидаги 202-мактаб директори



ЭЗГУ НИЯТГА ҚАНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбирда битирувчилар ҳамда университет ходимлари одатга кўра илмий даражаларини белгилувчи ўзига хос либосларни кийишди.

Дарвоқе, Сардор Шукуров ҳам битирувчилар қаторида. Яқинда у Invenology Ltd компьютер дастурлари ишлаб чиқариш корхонасига дастурчи лавозимига ишга кирди.

— Университетда ўтган йилларим менда унутилмас таассурот қолдирди. Ўқиш давомида энг сўнгги ўқув технологияларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдим. Ўқув даргоҳимизга дунёнинг турли давлатларидан талабалар ўқишга келишади. Улар ҳам ёшлигидан мендек замон талаблари даражасида таҳсил олишни орзу қилишгани шубҳасиз. Улар билан доим ютуқ ва имкониятларимиз билан ўртоқлашамиз. Бу мулоқотлар бизга таълим жараёнида асқотади.

— Университетимиз бакалавр ва магистратура йўналишлари бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун Лондондаги

Вестминстер университети стандартлари асосида аккредитация қилинган, — дейди битирувчилардан бири Хасан Реджабоев. — Шу кунга қадар даргоҳни 730 нафардан ортқ талаба 4 йўналишда: бизнес бошқаруви, иқтисодиёт, халқаро ҳуқуқ ва бизнесда ахборот технологиялари бўйича муваффақиятли тугатди. Битирув малакали ишимни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва уни бартараф этишдаги чора-тадбирларга қаратдим. Изланишларим даврида университетнинг ахборот-ресурс марказидаги бой манбалардан фойдаландим. Амалиётни эса университетимизнинг маркетинг бўлимида ўтадим. Ўқишдаги ҳулқим, амалиёт давридаги изланишим инobatга олиниб, мени университетимизнинг маркетинг бўлимида бош мутахассис лавозимида ишга олиб қолишмоқда. Мен бу университетда таҳсил олганимдан мамнунман.

Х.РАЖАБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган суратлар.

Асака туманидаги 5-умумтаълим мактабида 288 нафар ўқувчи таҳсил олади. Мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари қатори мазкур мактабда ҳам куз-қиш мавсумига алоҳида ҳозирлик кўришмоқда. Ҳомийлар кўмаги ва бюджетдан ташқари топишган маблағлар ҳисобидан мактаб иситиш қозонхонасини таъмирлаш, уни

Taraddud

мос ҳолда сақлаш омборларига жойлаштирилди. Айни пайтда 5 тонна кўмир, 25 кубометр ўтин захираси тайёр.

— Жамоа кучи билан кўмир майдасини қайта ишлаш натижасида

МАВСУМ ҲОЗИРЛИГИ — КЎНГИНА ХОТИРЖАМЛИГИ

фавкуллда ҳолатларда зарур бўладиган жиҳозлар захираси билан таъминлаш ишлари олиб борилди. Қозонхона ишлаш олдида сўнгги назоратдан ўтказилиб, шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, табиий газ ва кўмирнинг бирдек ёниши учун мосланган 4та кичик иситиш қозонлари мутахассислар томонидан текширилиб, камчиликлари тузатилади ва ишчи ҳолатга келтирилди.

Таълим муассасасига кўмир ёқилгиси олиб келиниб, мавжуд меъёрларга

қўшимча равишда ёқилги захираси тайёрлашга эришилгани, бу йилги қиш мавсумида ҳам иситиш тизимида ҳеч қандай узилишлар бўлмастлигини таъминлайди, — дейди мактаб раҳбари Ҳилола Отаева. — Мактаб деразалари икки қаватли ойна билан қопланган бўлса-да, зарур миқдордаги қўшимча воситалар ҳозирлаб қўйилди.

О.СИДДИҚОВ

Андижон вилояти

Diqqat, yangi rukn: Yangi o'quv yili yangiliklari amalda

Истиқлол йилларида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам кўплаб ислоҳотлар, янгиланишлар ва ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Юртимизда ҳар бир ўқув йилида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, таълим жараёнини янада такомиллаштириш каби муҳим аҳамиятга эга бўлган ижобий янгиланишларга гувоҳ бўласиз.

Янги ўқув йили ҳам бундан мустасно эмас. Жорий 2010-2011 ўқув йилида ҳам ўқувчилар билимини баҳолашнинг такомиллашган рейтинг тизими, ўқитувчиларнинг педагогик иш юкламаларидаги ўзгаришлар, ДТС ва ўқув дастурларининг оптималлаштирилиши каби таълим сифат-самарадорлигида сезиларли ўринга эга бўлган ўзгаришлар жорий этилдики, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва амалиёт даврида тўпланаётган тажрибалар ҳақида фикр-мулоҳазаларни бериб бориш, таҳлил ва натижалар билан ўртоқлашиш барча учун фойдалидир.

Шу мақсадда, газетамизда "Yangi o'quv yili yangiliklari amalda" рукни ташкил этилди. Ушбу рукн орқали бундан буён янги ўқув йилида жорий этилган энг муҳим янгилıklarнинг амалиётга сингиш жараёни, улар бераётган илк натижалар ҳақида сўз юритилади.

Физика фанини ўзлаштиришда аксарият ўқувчилар дастлаб бироз қийинчиликка учраши ҳақиқат. Табиийки, ушбу муаммонинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Бунда энг аввало, берилаётган билимларнинг ўқувчи ёши ва психо-физиологик ҳолатига мослиги, унинг қизиқиши эътиборга олинishi ҳамда ўқитувчининг маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Агарда ушбу жиҳатлар уйғун бўлса, ўқувчининг фанини ўзлаштиришда дуч келадиган муаммолари комплекс тарзда ҳал этилади. Шу мақсадда барча фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ўқувчиларнинг ёши ҳамда психо-физиологик ҳолатларига мослаштирилган ҳолда оптималлаштирилди.

Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида физика фанидан жами 39 соат ҳажмдаги 33та мавзу оптималлаштирилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув дастурларига ўтказилди, 2та мавзу эса 6-синфдан 9-синфга ўтказилди. Мақбуллаштирилган соатлар мураккаб мавзуларни кенгайтириб ўқитиш, лаборатория машғулотларини ўтказиш ҳамда масалалар ечиш учун ажратилди. Қайта нашр этилаётган дарсликларда ҳам оптималлаштирилган Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мос ҳолда тузатишлар киритилмоқда. Бундан ташқари, Республика таълим маркази мутахассислари томонидан барча умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчилар учун тақвим-мавзу режалари намуналари ишлаб чиқилди ҳамда оптималлаштирилган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича методик қўлланмалар тайёрланди. Мазкур қўлланмаларда мавзуга доир дарс ишланмалари, масалалар, намунавий лаборатория ишлари ва инновацион технологиялар тавсия этилган. Бугунги кунда методик қўлланмалар китоб ҳолида чоп этилиб, таълим муассасаларига етказилмоқда.

Янги оптималлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари барча фанларда бўлгани каби физика ўқитувчилари учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Тақдим этилган янги режа асосида фаолият

ДТС ВА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ:

оптималлашув ўқувчининг ўзлаштириш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда



кўрсатаётган педагог қўшимча равишда фанга оид турли адабиётлар ва интернетдан фойдаланиб маълумотлар, мавзуга доир масала ва методик қўлланмаларни тўплаши, ўз устида мунтазам ишлаши мумкин. Шунингдек, ўқитувчилар иш юкламаси, хужжатлар юритиш тартиби қайта кўриб чиқилгани ва такомиллаштирилгани, ўқувчилар билимларини назорат қилишнинг такомиллаштирилган рейтинг тизимининг жорий этилгани оптималлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишида янги имкониятларни бермоқда. Бинобарин, янги ўқув йилининг биринчи чораги таҳлилларига кўра мазкур янгилıklarнинг уйғунлашуви кутилган нати-

жа — таълим сифати ва мазмунининг юксалишида муҳим омил бўлаяпти.

— Янги дастур асосида ўтилган мавзулардан сўнг ўқувчилардан биринчи назорат иши олинди, — дейди Шайхонтохур туманидаги 324-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Мавжуда Қувноқова. — Жумладан, бу йил биринчи бор физика фанини ўқишни бошлаган 6-синф ўқувчилари назорат ишида физик диктант ёздилар. Физик диктант олиш жараёнида ўқувчилар фанга тегишли атамаларни яна бир бор ёдга олдилар, бу борадаги билимларини мустаҳкамлашди. 7-синф ўқувчилари эса назорат ишида масалалар ечди. Бу йилги 7-синф ўқув дастурида ҳар иккита-учта мураккаброқ мавзудан сўнг масала ечиш-

га бир соат вақт ажратилганлиги жуда яхши бўлди. Масала ечиш орқали мустаҳкамланган иккита дарснинг ижобий натижаси бешта дарсдан кейин ўтказилган назорат ишида яққол кўзга ташланди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўқув йилининг охирига қадар барча мавзуларда билим, кўникма ва малакалар тўлиқ ўзлаштирилади, деб айтишга асослар етарли.

— Янги дастурларнинг сифатли ўзлаштирилишини умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларида ҳам кузатиш мумкин, — дейди Республика таълим маркази физика фани методисти Замира Сангирова. — 8-синф ўқув дастуридан жами 13 соатлик 11та мавзу ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув дастурига

ўтказилди. Мураккаб тушунчаларни батафсил ёритиш мақсадида мазкур соатлар ҳисобидан "Электр заряди. Электр майдони" бобида 2 соат, "Электр токи, электр занжири" бобида 2 соат қўшилди. Бундан ташқари, янги киритилган "Турли муҳитларда электр токи" боби учун 9 соат (5та мавзу) ажратилди. 9-синф ўқув дастуридан эса жами 10 соатлик 8та мавзу академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурига ўтказилди. Мураккаб тушунчаларни батафсил ёритиш мақсадида "Молекуляр физика ва термодинамика асослари" бобида 6 соат қўшилди. Бундан ташқари, "Оптика" бобидан чиқарилган мавзуларга ажратилган 4 соат ушбу бобдаги қолган мавзуларни кенгроқ ёритиш учун қолдирилди. Шунингдек, барча мавзулар ўқувчи ёши, психофизиологик хусусиятларига мос тарзда қайтадан кўриб чиқилиб, тегишли ўзгаришлар киритилди. Мазкур ўзгаришлар 2010 йил Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган тендерда голиб деб топилган 8-9-синф физика дарсликларини (П.Ҳабибуллаев, А.Бойбедаев, А.Бахромов)дан ўрин олган.

Биргина 8-синф дарслигига эътибор қаратадиган бўлсак, кўпгина ўзгаришларни кузатиш мумкин. Хусусан, оптималлаштирилган мавзулар асосида ишлаб чиқилган дарслик ва методик қўлланмалар мазмунан бойиган, фанга оид билим, кўникма ва малакалар оддий ҳаёт, турмушда мавжуд бўлган физик ҳодисаларга яқинлаштирилган. Оптималлаштирилган ҳар бир мавзу ҳаёт билан боғланиб, ўқувчининг ўзлаштирган билимларини турмушда қўллаши бўйича маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатилган. Масалан, 8-синф ўқув дастуридаги "Турли муҳитларда электр токи" мавзуси узвий тарзда 12 соат ҳажмдаги "Суюқлик ва газларда электр токи" мавзуси билан давом эттирилди. Ушбу мавзуларда Фарадей қонунлари, электролиз ҳамда газлардан электр токидан турмушда ва техникада фойдаланишга доир зарур билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади. Натижада ўқувчилар турмуш тарзида кенг қўлланилаётган аккумулятор, батареялар, газли электр лампалари, шунингдек, турли электр уй-рўзғор буюмларининг ишлаш механизми билан танишиш, улардан фойдаланиш ҳамда муайян вазиятларда керакли чораларни қўллашни ўрганиб оладилар.

Оптималлаштирилган ДТС ва ўқув дастурларининг амалиётга татбиқ этилганига эндигина бир ойдан ошди. Айтиш мумкинки, ўқувчи ёшларга келгусида турмушда ва иш фаолиятида умумий ўрта таълимда олган билимлари асқотади. Зеро, оптималлаштирилган мавзуларнинг мазмун-моҳияти ўқувчилар билимини ҳаёт билан боғлаш, уларни ҳар томонлама комил қилиб тарбиялашга хизмат қилдиришдан иборат.

Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

☑ **“БОЛА ШАХСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ ГУРУХЛАРДА ФАОЛЛИК МАРКАЗЛАРИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ КЎЗЛАНГАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ МУМКИН”. МТМХҚТМОЎММДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАРДА АНА ШУНДАЙ УМУМИЙ ХУЛОСАГА КЕЛИНДИ.**

Республикамизнинг турли хуудларидан таклиф этилган 50 нафар мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари болаларга таълим-тарбия беришда фаоллик марказларининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди, ўйинлар орқали тушунтирилди.

— Фаоллик марказлари болада мустақил ишлаш олиш имконини беради. Гуруҳ хонаси бир неча марказларга бўлинади, уларда зарур ўйинлар учун етарли материаллар тўпланади. Бугунги семинарда муассасалар раҳбарлари болага айланиб, ўзлари истаган санъат, пазандалик, адабиёт, мусиқа ҳамда тасвирий санъат фаоллик марказларида шуғулланишлари. Ота-онага моддий муаммо туғдирмаслик мақсадида тарбиячилар учун бир қанча усулларда ўйинчоқ ва аппликациялар ясаш, расмлар чиқишни тавсия этдик. Масалан, гижимланган қоғоз парчаларидан чиройли аппликация ясаш мумкин. Йўқдан бор қилиш, болалар ва ўзи учун имконият яратиш — бугунги тарбиячининг маҳорат қирраларидан бирига айланиши керак, — дейди методик марказ директори Сабоҳат Миржалилова.

Семинар якунида маҳоратини намойиш этган иштирокчиларга есдалик совғалари ва МТМ тарбияланувчилари учун китоблар жамланмаси топширилди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

☑ **ЁШЛАРИМИЗНИНГ СПОРТГА, ФАОЛ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ҚУВОНИШГА АРСИГУЛИК ҲОДИСА.**

«Спорт» телеканали ҳамда ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари ўртасида бўлиб ўтган учрашув фикримизнинг амалдаги исботидир.

Давра суҳбатида телеканал ижодкорлари — режиссёрлар, спорт шарҳловчилари иштирок этди. Учрашув давомида ҳар бир ижодкор ўзининг қисқача фаолияти ва тажрибалари билан ўртоқлашди. Бугунги кун спорт шарҳловчилари фаолиятида кузатилаётган ютуқ ва камчиликлар, соҳага ихтисослашиш масалалари муҳокама этилди.

— Спортни ёритувчи журналист нафақат бу соҳани яхши билиши, балки, етарлича қизиқишга ҳам эга бўлиши керак, — деди бош режиссёр Э.Исомидинов.

Назokat ИБРОХИМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

☑ **МАКТАБ ИШИНING УМУМХАЛҚ, УМУММИЛЛАТ, ИШИГА АЙЛАНГАНИ БУГУН СОҲАДА ЭРИШИЛАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАС.**

Хатирчи туманининг Боғчақалон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 2-мактаб биноси 1964 йили қурилган бўлиб, мослаштирилганлиги боис имкониятлар чекланган эди. Ўтган йиллар давомида бино анча эскирган, қишли-қировли кунларда ўқувчилар зах, совуқдан азият чекишарди. Жорий йилда мазкур маскан капитал реконструкция қилиниб, тубдан янгиланди ва ўзгача қиёфа касб этди.

Мазкур гўшанинг 9-синфини шу йил тугатган 76 нафар ўқувчи айна кунда ўқишни таълимнинг кейинги босқичида давом эттираётган бўлса, 43 нафар болажонлар биринчи синфга қабул қилиниб, кенг, ёруғ, барча имкониятларга эга синф хоналарда сабоқ олишмоқда. Икки нафар ёш муаллимга эса ўз фаолиятини янги илм масканида бошлаш бахти насиб этди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА



☑ **МАМЛАКАТИМИЗДА ЖУРНАЛИСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЯНГИЛАШ, КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ КАБИ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА БЎЛИБ ЎТДИ.**

«Талаба-ёшларда илмий салоҳиятни шакллантиришнинг долзарб масалалари» деб номланган мазкур конференцияда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О.Ўсаров, ЎзМУ журналистика факультети декани Н.Раҳмонов, олимлар Н.Абдуазизова, М.Худойкулов ҳамда факультет ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда ёш журналистларни ўз соҳаси ва жамият ҳаётидан тўла хабардор мутахассис даражасида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этиши юзасидан мулоҳазали фикрлар билдирилди. Хусусан, журналистика ва социология, жамоатчилик билан алоқалар(PR), коммуникация тарихи ва ахборот хавфсизлиги сингари фаннинг муҳим ва янги жиҳатларини миллий журналистикамизга жорий этиш масалаларига алоҳида ургу берилди.

— Ҳеч бир соҳани ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларда ҳар бир масалага замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги нақша назар ва янги ғоялар билан ёндаша олиш имконияти, эҳтиёжи бор, — дейди халқаро журналистика факультети, «Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация» кафедраси мудири Х.Дўстмухаммедов.

В.ҚАРШИБОВЕВА



☑ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЁШЛАРИНИНГ ИШТИРОКИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида

ташқил этилган мазкур тадбир Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳамда Ёшлар экологик тармоғи ҳамкорлигида ташқил этилди.

Ноқулай экологик вазият нафақат инсон саломатлигига, балки иқтисодиёт ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бугун юртимизда экологик муаммоларни бартараф этиш, унинг салбий таъсирини юмшатиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини

юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқлим ўзгаришига сабаб бўлган омилларни тушунтириш мақсадида ташқил этилган мазкур акцияда ўқувчи-ёшларга энергияни тежаш, дарахт экиш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган техник мосламалар ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш муҳимлиги интерфаол усуллар орқали тушунтирилди.

Акция доирасида иштирокчиларнинг экологик муаммолар ва уларни бартараф этишга доир чизган расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ғ.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

☑ **УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 107-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ОКТАБРЬ —“ФИЛОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА ОЧИҚ ДАРСЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ. ДАРСЛАРДА ЎҚИТУВЧИЛАР АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНДИЛАР.**

Жумладан, ўзбек тили фани ўқитувчиси Муяссар Шомирзаеванинг 9-“Б”синфга “Тил — қонун ва жамият” мавзусидаги очик дарси мультимедиа воситалари орқали ташқил этилди. Муаллим слайддан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ўзбек тилининг тарихи, ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича маълумотлар берди. Экранда Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб аждодларимизнинг суратлари ҳамда тилимиз ҳақидаги ибратли ўғитларнинг акс эттирилиши дарсни янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Шунингдек, ўқувчилар ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазалари, таъсирли шеърлари билан дарсга янада қизгинлик руҳини киритдилар. Айниқса, тил билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларга чуқур тўхталиб ўтилди.

Дарс сўнггида жараёни кузатган мутахассис ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

— Бу каби очик дарсларнинг тез-тез ташқил этилиши таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар ўз хато ва камчиликлари ҳақида хулосалар чиқариш билан бирга, ўзаро тажриба алмашадилар, — дейди ушбу мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси Зухра Тўхтаева.

Ғолиб БАХРОМОВ,
“Ma'rifat” мухбири

☑ **САМАРҚАНДДА «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Республика Маънавият-тарғибот маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташқил этилган тадбир аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, маънавият тарғиботчилари маҳоратини ошириш ва ўзаро тажриба алмашишини йўлга қўйиш, уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан энг фаол маънавият тарғиботчилари, Маънавият-тарғибот маркази бўлимлари қошидаги «Мулоқот» гуруҳи аъзолари, зиёлилар иштирок этди.

— Ўсиб келаётган ёш авлодни турли ёт ғоя ва мафқуралар таъсиридан асраш, юксак маънавиятли инсонлар этиб камолга етказиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, анъана ва урф-одатларига ҳурмат

туйғусини шакллантириш энг долзарб вазифалардан биридир, — дейди Маънавият-тарғибот маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Йўлдош Суюнов. — Бунда оила, мактаб ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлиги, ўтказилаётган маънавий тадбирларнинг ўрни ниҳоятда катта. Танловда иштирок этаётган маънавият тарғиботчиларининг ана шу масъулиятни теран ҳис этиб, ўз маҳорат ва тажрибасини оширишга ҳаракат қилаётгани эътиборга молик.

Танловда иштирокчиларнинг нотиклик санъати, муайян мавзуга оид кўргазмали воситалардан фойдаланиши, аҳоли билан жонли мулоқот уюштириш маҳорати ва оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳолисона баҳоланди.

Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими қошидаги «Мулоқот» гуруҳи аъзоси Эътибор Жалолова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

ТАБИАТГА ОНГЛИ МУНОСАБАТ ЗАРУР

Юртбошимизнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига багишланган ялпи мажлисидаги нутқи экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади.

Ёшларнинг экологик таълим олиши, камол топиши, миллий гоя руҳида тарбияланишида ўқув даргоҳларининг ўрни катта ва масъулиятлидир. Ўқувчиларда табиатни муҳофаза қилишга оид кўникмаларни шакллантириш ўқув-тарбия ишларининг ажралмас қисми бўлиб, уларни табиатни севишга, уни эъзозлашга ўргатиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилишга оид таълим-тарбия ишларини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб олиб бориш, бу ишлар назарий ва амалий жиҳатдан ўқувчиларга тушунарли бўлиши, мазмуни дидактик жараёнларга, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳозирги замон муаммоларига тааллуқли бўлиши талаб этилади. Бунда табиат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига таъсири ва уларнинг бир бутунлиги моҳиятини тушуниб олиш, инсоннинг табиатга бўлган муносабати ижтимоий аҳамиятини англаб етиш; табиатнинг кишиларга маънавий эстетик таъсир этишини билиш; табиатни муҳофаза қилишда инсоннинг фаол амалий фаолиятини тушуниб етиш; табиатни муҳофаза қилиш ва уни ўрганишда ўлкашунослик материалларига таяниш зарур.

Табиатдаги ҳамма ҳодиса ва жараёнлар ўзаро боғлиқликда эканлигини тушуниш илмий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Жамият билан табиатнинг ўзаро таъсири тарихий қиёслаш билан улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик динамикасини тушуниб олиш мумкин. Шу билан бирга, ўқувчилар онгида табиат ва жамиятда рўй берадиган ривожланиш, ҳаракат қонунари уйғунлаштирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва ўзгартишни илмий-техникавий методлари жамиятнинг маҳсулотга бўлган талабига нисбатан бир неча баробар тез ўсмоқда. Ҳар бир ўқувчи табиатга бўлган муносабатда бундан келиб чиқадиган оқибатларни яхши тушуниб етмоғи ва унинг жамиятга қандай таъсир этишини билиши лозим. Унинг табиатга бўлган таъсири ва муносабати ўз Ватанини севишга, жонажон ўлка табиатини ардоқлашга қаратилган бурчида англаб етганлигида намоён бўлмоғи керак.

Табиатни муҳофаза этишнинг назарий асосларини билиш билан биз табиатга бўлган муносабатни тўғри белгилаб олдик, дея olmayмиз. Амалий фаолияти билан табиатни эъзозлашда, табиат неъматларини сақлашда, кўпайтиришда қатнашган ўқувчигина бу борадаги билимларни чуқур ўзлаштирган ҳисобланади. Бунинг учун синфда, мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган назарий ва амалий ишлар маълум режа асосида олиб борилиши жуда муҳим.

Мактаб ўқувчисига ўз ўлкаси табиатини ўргатиш, унинг чиройини кўрсата билиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳаллий шароит билан боғлиқлигини очиб бериш ўлка материалларига таяниш демақдир. Ўлкашунослик ўз ўлкаси ҳаётининг маданий шароитларини, ижтимоий-иқтисодий томонларини ва ҳамма табиий комплексларини ўрганишни тақозо қилади. Ўқувчилар

билимини табиатни муҳофаза этишнинг илмий асослари билан чуқур бойитиш учун турли ўқув фанларига ўзига хос ўлкашунослик материалларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабларнинг бошланғич синфларида болалар биринчи марта табиат тўғрисида системали билим оладилар. Атрофимиздаги олам дарсларида ҳаво, сув, тупроқ ҳақида, уларни инсон мақсадига мувофиқ муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонларга эътибор билан муносабатда бўлиш ҳақида янги тушунчаларга эга бўладилар. 4-синфдан

Dolzarb mavzu

бошлаб ҳар бир фан ўқитувчиси дарс бериш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг турли томонларини акс эттириб боради. Ҳар бир ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича дарс мавзуларини табиатни муҳофаза қилишга оид материаллар билан бойитиб бориши яхши самара беради, албатта.

Табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ўқувчиларга етказишда бошқа фанлар қатори география ва биология фанларининг аҳамияти катта. Биология курсида табиатни муҳофаза

ни янада чуқурроқ ўзлаштиради.

Ўқувчилар онгида табиатни муҳофаза қилишнинг назарий-илмий билимлари ташкил топишида «Муҳит ва организм», «Биосфера ва инсон» мавзулари катта аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш жараёнида биоценозларнинг маҳсулдорлиги эътиборга олинади, қуруқлик ва океаннинг турли қисмларидаги биомассалар ҳақида ҳозирги замон илмига доир маълумотлар айтиб ўтилади, улардан мақсадли фойдаланиш йўллари кўрсатилади. Ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги вақтда жуда муҳим зарурий вазифа эканлиги тўғрисида якуний тушунча берилади. Табиий комплекслар ҳақида биология фанлари системасининг ривожланиб бораётганлиги ҳамда улардан фойдаланишнинг илмга асосланган тавсиялари ишлаб чиқиладиганлиги кўрсатилади.

Табиий география курсини ўқитишда табиатни муҳофаза қилишнинг назарий ва илмий, иқтисодий география фанида эса унинг иқтисодий аспекти атрафлича ёритиб берилади. Табиатни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш билан бирга география дарсларида табиий компонентларнинг вужудга келиши ва тараққиётининг илмий асослари ўрганилади. Ер юзид



қилишнинг мақсад ва вазифалари кенг очиб берилади, ўқувчилар онгида табиатни муҳофаза қилишнинг назарий-илмий асослари шакллантирилади, жонли табиат билан жонсиз табиат ўртасидаги ўзаро табиий боғланишлар ёритилади, инсон таъсирида табиатда рўй бераётган ўзгаришлар кўрсатилади, табиий комплекс бузилишининг олдини олувчи чора-тадбир характерланади ҳамда агроценозларнинг биосфера маҳсулдорлигини оширишдаги роли тушунтирилади. Умумий биология курсида ўқувчилар табиатни муҳофаза қилишнинг табиий-илмий аспекти

турли-туман географик комплексларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қонуниятлари ҳосили эканлиги тушунтирилади. Турли ижтимоий тузумга эга бўлган давлатларда табиий-худудий комплекслар ва табиатнинг айрим компонентларидан оқилона фойдаланиш йўллари аниқ мисолларда таъкидланади. Ўқувчилар табиатни муҳофаза қилиш бўйича турли машқлар асосида амалий билим оладилар ва кўникмалар ҳосил қиладилар.

Жўра УРЧИНОВ,
Навоий вилояти
ПКҚТМОИ доценти,
биология фанлари номзоди

Самарқанд давлат университети профессори **Aks sado** 
Облокул Кувондиқовнинг «Ma'rifat» газетасида чоп этилган «Замонавий фан ва технология ривожиди магнетизмнинг ўрни» мавзусидаги мақоласида бу соҳада мутахассислар тайёрлашнинг долзарблиги хусусида юритган фикрлари шу куннинг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблайман. Чунки фан ва техниканинг жадал ривожланиши магнетизмнинг техника тараққиётидаги ўрни юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Магнетизм модданинг универсал хоссасидир. У энг майда элементар заррачалардан тортиб, оламдаги барча мавжудот ва жисмларга хос эканлиги аниқланди.

Ер улкан магнитдир. Ернинг магнит майдони инсоният организми, шунингдек, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси, ҳатто бактериялар учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Магнит ҳодисалари физикаси қонунари бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Натижада магнитомеханика, магнитооптика, магнитоакустика, магнит термодинамика, магнитокимё, магнитобиология, архео-полеомагнетизм ва бошқа қўшма фанлар вужудга келди. Магнит ҳодисалари физикаси усуллари муҳандислик фанларига ҳам кириб кетди.

Замонавий фан-техника асосида спинтроника асбоблари, гигант магнит қаршилик эффектига асосланган асбоблар кенг кўламда ишлатилмоқда. Бу эффектнинг моҳияти шундаки, магнит тасмалар (плёнка)нинг қаршилиги номагнит қатлам билан ажратилган қўшни ферромагнит моддалардаги

ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ РИВОЖИДА МАГНЕТИЗМНИНГ ЎРНИ

(“MA'RIFAT” 2010 ЙИЛ 11, 14 АВГУСТ)

спин магнит моментларининг нисбий йўналишига боғлиқ бўлади. Материаллар гигант магнит қаршилик эффектдан ташқари яна амалий мақсадда ишлатиладиган иккита параметр билан: тўйиниш магнитланиш (магнит қаршилик энг катта қийматга эга бўлган магнит майдон қиймати) ва сезгирлик билан аниқланади. Гигант магнит қаршиликлар бўйича қилинган илмий ишлари учун дунё олимлари Нобель мукофотларини олди.

Муаллиф ушбу мақоласида кейинги 10-15 йил ичида магнит ҳодисалари физикаси ва унинг бошқа фан чегараларига кириши туфайли пайдо бўлган кашфиётлар ҳамда унинг келажак фан ва технологиясини ривожлантиришдаги ўрнини батафсил ёритиб, чизмалар асосида ушбу соҳалар бўйича жаҳон олимлари амалга оширган илмий ишларга тўхталиб ўтган. Магнетизм асоси бўлган спинтроникани кенг оммага содда сўзлар асосида тушунтириб бериш билан бирга унинг асосий йўналишларини ҳам кўрсатиб ўтган. Тан олиш керак, магнетизмнинг бундай янги соҳаси билан Самарқанд давлат университетида профессор О.Кувондиқов раҳбарлигида кенг кўламда ишлар олиб борилаёпти ва бу соҳада нафақат республикамизда, балки жаҳонда тан олинган илмий марказ вужудга келди.

Сир эмас, ҳозирги вақтда совутгичларда ишлатилаётган ишчи газ кўп экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, яъни озон қатламининг бузилиши глобал иссиқлик олиб келяпти. Муаллиф қайд этганидек, ҳозирги кунда экологик хавфсиз, компакт (тежамли), энергетик жиҳатдан эффектив ва ўта чидамли бўлган уй температурасида ишловчи совутгичлар яшаш ниҳоят зарурдир. Уларнинг афзаллиги шундаки, магнит совутгичлар экологик жиҳатдан тоза бўлиш билан бирга, электр энергиясини жуда кам сарфлайди.

Шундай бўлишига қарамай, афсуски, ҳозирги вақтда магнит совутиш муаммоси республикамиз олимлари томонидан лаборатория шароитида ўрганилмапти.

Т.МЎМИНОВ,
ЎзР ФА академиги

Маълумки, ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан она тили, адабиёт, тарих, биология фанларига қизиқиши нисбатан юқори. Ўқувчилар кимё мўъжизасидан, сўз сеҳридан, ўтмиш садосидан, неча минг йиллик тил мўъжизасидан сабоқ олиб ҳайратланади. Бу фанларга оид кўргазмалар ҳам кўп, адабиётлар ҳам исталганча топилади.

Шу фанлар қаторида яна бир фан борки, у ўқитувчидан кўпроқ ижодий изланишни, ўз устида ишлашни талаб этади. Бу — чизмачилик фанидир. Мақоламиз қахрамони — Ойбек Ваҳобов «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2010» кўрик-танловининг республика босқичи голиби, эндигина 24 ёшни қаршилаган бўлса-да, катта ютуқларни кўлга кирита олган изланувчан ўқитувчидир. Унинг бу муваффақиятлари замирида тиниб-тинчимаслиги, оиладаги муҳит, устозларининг талабчанлиги бош омил бўлмоқда.

«Кўлимда ўйинчоқ эмас, циркул»...

— Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактабда ўқиганман, — деб эслайди Ойбек. — Бошланғич синфдаги устозим Зулфия опа жуда талабчан, қаттиққўл эдилар. Бизга синф раҳбари ҳам бўлганлар. Тўққиз йил давомида

Орзу сари интилиш

Ойбек мактабни битиргач, ҳужжатларини ҳеч иккиланмай Собир Раҳимов миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг «Наққошлик дизайнери» йўналишига топширди. Тасвирий санъат, наққошлик сирларини устозлари Миролим ва Зоҳид Сиддиқов-

«БИЗ УСТОЗИМИЗНИ ЮТДИК»

ўқишимиз, одобу ҳулқимиз бирор дақиқа унинг назоратидан четда қолмаган. Онам — чизмачилик, тасвирий санъат фани ўқитувчиси Озода Ваҳобовани ҳам биринчи устозим дейман. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, болалигимдаёқ кўлимда ўйинчоқ машина эмас, циркул, рангли қаламлар бўларди. Кубиклардан уйчалар ясашни яхши кўрардим. Неча мартаба кўлимга циркул санчилик кетарди, барибир унга интилавлардим. Ҳар куни онам дарсга тайёргарлик жараёнида циркулдан фойдаланиб чизма чизардилар. Отам ҳам муҳандис бўлганлари учун тез-тез мен билан шу соҳада суҳбатлашарди. Буларнинг барчаси менинг чизмачилик фанига қизиқишимни оширарди.

Яна бир воқеа ўқитувчилик касбини танлашимга туртки бўлди. Бир куни онам бетоб бўлиб қолдилар ва дарсга у қадар пухта тайёргарлик кўролмадим. Аммо аввалги билимлар асқотиб паст баҳо олмадим. Шунда синфдошларимдан бири «Ўқитувчининг ўғли-да, унга сийлаб баҳо кўйишди» деб қолди. Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди ва «Баҳойимни оқлашим керак, энг кучли чизмачилик фани ўқитувчиси бўламан» деб аҳд қилдим.

лардан кунт билан ўрганди.


Коллежни битиргач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультетига ўқиди. Ўқиш билан бир қаторда Чилонзор туманидаги 184-мактабда, кейинроқ Зангиота туманидаги (собик Тошкент тумани) 9-мактабда чизмачилик фанидан дарс бера бошлади. У ўзи учун Юртбошимизнинг ушбу фикрини дастуриламал қилиб олган: «Бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллаётган оладиган ижодкор шахсга, ёшларнинг юрагига чуқур кириб борадиган юксак фазилатлар эгасига айланишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда».

Дарҳақиқат, Ойбек — бугунги ўқитувчининг олдига қўйилаётган талабдан келиб чиқиб, ҳар бир дарсида кadoskop, мультимедиа, тарқатма материал, кроссвордлардан фойдаланади. Бу билан ўқувчиларни ўзига, фанига жалб эта олмақда. Ўрганганларини ўргатиб, билмаганларини ҳамон ўрганиб, орзуси сари интилиб яшамокда.

«Йилнинг энг яхши фан о'қитувчиси—2010»

Мультимедиянинг афзалликлари

Ёш ўқитувчининг дарсларини кузатар эканми, дарсларида кичик гуруҳларда ўқитиш усулидан фойдаланишига гувоҳ бўлдик. Сабаби билан қизиқганимизда «Ялли оммавий ўқитишда ўқувчи янги мавзунинг тинглаб, эслаб қолади, индивидуал ўқитишда эса ўқувчининг ўзига бўлган ишончи ортади, билиш қувончини ҳис этади, мен эса кичик гуруҳларда ўқитишни афзал биламан, чунки бу усулда ўзаро ҳамкорлик вужудга келиб, ўзаро назорат амалга



ришга эришган. Баъзан дарс 6-соатга, ўқувчи чарчаган вақтга тўғри келиб қолади. Шунда у замонавий мусиқалардан фойдаланиб, чарқоқни тарқатишга ҳаракат қилади.

Ўқувчилар фаоллиги қандай таъминланди?

— «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида «Кинематик схемалар» мавзусида дарс ўтдим. Бу дарсимни физика, кимё фанларига боғладим, — дейди Ойбек. — Фанларо боғлашни ўқувчиларнинг фаоллигини ошириб, муваффақиятимга асос бўлди.

Ўқувчиларни мавзуга қизиқтириш учун Ойбек куйган лампочка, яроқсиз радиоприёмник, турли схемаларни олиб кирди. Ўқувчилар дарҳол схемаларни улашга киришиб кетишди, сўнг уларни чизмада акс эттиришди. Албатта, меҳнатлари зое кетмади. Ҳайъат аъзолари ҳам интилувчан ёш ўқитувчининг бу дарсини юқори баҳоладилар.

Айни кунда О.Ваҳобов илғор иш тажрибаларини йиғиб, электрон дарслик яратиш йўлида иш бошлаган. Биз ёш, ижодкор ўқитувчига бу хайрли ишида ҳам омад тилаймиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Болалик дунёси гўзал. Беғубор болаларнинг қизиқишу фикрлашлари ҳам ўзига хос — бириники бошқасиникига ўхшамайди. Тоғ ортидан эндигина чиқиб келаятган кўёш расмини чизаятган болакай ёки пластилиндан қайсидир қушнинг тумшугини ясашга ҳаракат қилаётган қизалоқнинг ҳолати кимга ҳам хуш ёқмайди, дейсиз. Расмга қараб гаплар тузиш, эртақ қахрамонларига тақлид қилиб роллар ижро этиш, қизқарли ўйинларни завқ билан ўйнаш бу мамлакат кичкинтойларининг севимли машғулотиридир... Бувайда туманидаги «Полвонча» номли 33-мактабга таълим муассасасидаги болалар ҳаётини кузатиб, завқингиз келади, ҳайратингиз ортади. Бу маскан ҳақидаги гаплар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Фарзандларининг бу ерда тарбияланиши ота-оналар учун фахр, чунки...

Бувайда қишлоғини Узун маҳалласи билан боғловчи йўлнинг қоқ ўртасида қад ростлаган маскани «Хуршида опанинг боғчаси» дейишар экан. Хусусий МТМ бўлса керак, деган фикрда бинога кириб бордик. Бизни кутиб олган Хуршида опа изоҳ бера кетди: — Йўқ, биз давлат тасарруфидамиз, ишларимизга қараб шундай дейишса керак-да.

— Ҳар бир машғулоти хонасида миллийлик уфуриб турибди: атлас кўрпачалар, хонгахталар, ҳатто кўғирчоқлар ҳам миллий кийимда. Кичкинтойларнинг ўйинлари ҳам шунга монанд бўлса керак-да? — опани саволга тутамиз.

У эса бизни ташқарига бошлади, у ерда бир гуруҳ қизалоқ «Бештош» ўйнамоқда. Бошқа бир гуруҳ эса «Кўзбойлогич» билан овора.

ҲАЙРАТЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

кинмачоқ» каби миллий халқ ўйинларини маза қилиб ўйнашади. Тарбиячилар ҳам кичкинтойлардек болага айланишади. Бу болажонларнинг ўйинга бўлган рағбатини янада оширади.

— Оқ теракми, кўк терак, Биздан сизга ким керак? Бу — ўрта гуруҳ тарбияланувчилари. Улар икки гуруҳга бўлиниб, тарбиячи опалари бошчи-

ҳатто юз ёшдан ошган кийимлар, кўзалар, ёғоч ковуш ҳам бор. Улар муассасамизда тарбияланаётган кичкинтойларнинг бобо-ю бувиларидан қолган меросдир. Бинонинг биринчи қаваотида жойлашган жажжигина кутубхонада мингдан ортиқ эртақ китоблар, тайёрлов гуруҳи болалари учун саргузашт ҳикоялар ва рангли журналлар тахтамлари мавжуд. Машғулотлар мавзусига қараб улардан фойдаланилмоқда.

Мазкур муассаса 2002 йилда ташкил топган. Дастлабки вақтда 3та гуруҳ бўлган. Айни пайтда уларнинг сони яна 3тага кўпайди. Болажонлар 8 нафар тарбия-

чи ҳамда 8 нафар ёрдамчи тарбиячига ишониб топширилган. Дилшоода Малаюпова ҳамда Муҳтарам Пулатовалар бошчилигида жажжилар инглиз ва рус тилини ўрганмоқдалар. Кўшиқ ва рақс тўғараклари, айниқса, қизалоқларнинг жону дили. Хуршида Бурҳонованинг айтишича, ҳафтада бир кун «Севимли мультфильмлар» кунини эитиб белгиланган. Шу кун болалар ўзларининг яхши кўрган мультфильмларини кўриш имконига эга бўладилар. Бу ердаги юмшоқ

лигида «Оқ теракми, кўк терак?» ўйнашапти. Улар ҳеч нарсага чалғимай болалиқнинг энг қизиқарли ўйинларига берилиб кетишган.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

— Болаларнинг миллий руҳда камол топишлари учун алоҳида режали ўйинларга эътибор қаратамиз, — дейди Хуршида опа. — Кичкинтойлар «Топган топалоқ», «Ип ўйини», «Тош ўйини», «Бештош», «Меҳмон-меҳмон», «Оқ теракми, кўк терак», «Сичқон-мушук», «Хайрихон қайда», «Бойчечак», «Бе-

ташкил қилганми. Қушлар ва ҳайвонларга меҳр бериш баробарида болаларда табиатга бўлган муҳаббат ўсиб боради. Тарбиячиларимиз «Полвонча» сахнасида турли талбирлар, театрлаштирилган томошалар ташкил қилишади. Болажонлар иштирокида эртақлар сахналаштирилади. «Зумрад ва Қиммат», «Олтин тарвуз», «Уч оғайни бутирлар», «Сусамбил» каби эртақ қахрамонларининг болалар ижросидаги талқини ота-оналарни ҳам қувонтиради. Тарихий бурчақда

чи ҳамда 8 нафар ёрдамчи тарбиячига ишониб топширилган. Дилшоода Малаюпова ҳамда Муҳтарам Пулатовалар бошчилигида жажжилар инглиз ва рус тилини ўрганмоқдалар. Кўшиқ ва рақс тўғараклари, айниқса, қизалоқларнинг жону дили. Хуршида Бурҳонованинг айтишича, ҳафтада бир кун «Севимли мультфильмлар» кунини эитиб белгиланган. Шу кун болалар ўзларининг яхши кўрган мультфильмларини кўриш имконига эга бўладилар. Бу ердаги юмшоқ

...Инсоннинг ҳайратланиши, агар кўнгли гўзалликка мойил бўлса, унчалик қийин эмас. Аста-секин қад ростлаб бораётган бино кимнингдир завқини келтирса, ҳавонинг ўзгариши ҳам кимгадир хуш ёқади. Бизни бугун ҳайратлантирган нарса эса мана шу даргоҳдаги қизиқарли ҳаёт эди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Этиборлиси, таълим мазмунини модернизациялаш натижасида ўқув жараёнининг янги моделлари вужудга келади. Шу боис айна мавзу ҳар доим кенг кўламда муҳокама қилиниши ва ўткир мунозараларга тортилиши зарур. Чунки таълим мазмуни халқнинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Тошкент

лари ўртага ташланиб, биргаликда муҳокама қилинди. Муҳими, асосий таклифлар баённомалари қайд этиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро анжуманда фикрлар хилма-хиллиги кузатилди. Чунончи, анжуман иши таълим мазмунини модернизациялашга оид концептуал муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлаш; таълим мазмунини модернизациялаш тамойиллари ва уларни татбиқ этиш йўллари ишлаб чиқиш; давлат таълим стандартлари ва ўқув-методик мажмуаларида таълимнинг модернизация-

боис мен халқаро анжуманда мамлакатимизда «Ўқитиш сифатини баҳолаш тизими концепцияси» яратилгани, республикада ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш мақсадида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти натижалари, шу билан бирга психологик ва социологик мониторинг олиб борилаётганини йиғилганлар ҳукмига ҳавола этдим. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фикрларимни баён қилдим.

Шу аснода яна бир жиҳатга алоҳида урғу беришни истардим. Гап шундаки, Ўзбекистон таълим тизими-

лим беришга ҳаракат қилинаётган экан.

Анжуманнинг шўъба йиғилишлари ҳам қизгин, баҳс-мунозараларга бой ўтди. У ерда модернизациялашган таълим мазмунини ўқувчиларда ўз ҳуқуқларини талаб қилиш кўникмаси ва юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратиш, модернизациялашган таълим жараёнида ўқувчиларнинг инсонийлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари, руҳий, жисмоний хавфсизлигини ҳимоялаш, таълим босқичлари ўртасида узвийлик, узлуксизликни таъминлаш мавзусидаги чиқишлар, ил-

ТАРИХИЙ МЕРОСНИ АСРАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Пойтахтимизда давом этаётган «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги доирасида «Тарихий-маданий меросни асраш: назария, амалиёт ва коллекциялаш» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон, Франция, Испания, Япония, Туркменистондан археологлар, санъатшунослар, маданиятшунос ва этнографлар, музейлар ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Президенти-миз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий анъана ва қадриятларни тиклаш, аждодларимизнинг бой маънавий ва илмий меросини асраб-авайлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу жиҳатлар кўҳна шаҳарлар тарихини атрофлича ўрганиш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш борасидаги эзгу ишларда янада ёрқинроқ намоён бўлаётди.

— Ўзбекистоннинг тарихи бой ва жуда бетакрор, — дейди япониялик археолог Кюдзо Като. — Уни атрофлича ўрганиш мобайнида аниқланган Буюк Ипак йўли тарихига дахлдор ноёб маълумотлар тарих, археология, санъатшунослик фанларининг янада бойиши ва кенгайишида алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса Ватанингиз жаҳон илм-фани, маданияти ривожига муҳим ўрин тутганидан далолат. Мен кўп йиллар мобайнида Далварзинтепа, Қоратепе каби тарихий ёдгорликларда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларим жараёнида бунга яна бир қарра амин бўлдим.

Анжуманда тарихий-маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид маърузалар тингланди. Ушбу соҳага доир халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболлари белгилаб олинди.

Анжуман доирасида Ёшлар ижод саройида «Қанча шаҳарчаси: ўтмиш ва замон» мавзусида кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Тошкент вилоятидаги Қанча археологик мажмуасига уюштирилган экспедициядан тайёрланган фотосуратлар, у ердан топилган нодир ашёлар, рўзгор ва зеб-зийнат буюмлари намойиш этилмоқда.

Назokat УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ:

муаммолар, ечимлар, истиқболлар

шаҳридаги «Grand Mir Hotel» меҳмонхонаси мажлислар залида ташкил этилган «Таълим мазмунини модернизациялаш: муаммолар, истиқболлар, ечимлар» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ана шу каби фикрларга урғу бериш билан бошланди.

Илмий анжуманда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, Монголия, Украина, Беларусь давлатлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг долзарб мавзуларидаги чиқишлари иштирокчилар томонидан диққат-этибор билан тингланди, қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Мавзуга доир, фикрлашувлар «Таълим мазмунини модернизациялашнинг концептуал асослари» (1-шўъба), «Давлат таълим стандартлари ва ўқув методик мажмуаларида таълимнинг модернизациялашган мазмунини ифодалаш ва уларни педагогик технологияларга ўтказиш имкониятлари» (2-шўъба) шўъбаларида қизгин давом этди. Чунончи, шўъба йиғилишларида умумий таълимнинг ҳар иккала босқичи (1—4, 5—9-синфлар)да ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шахсга йўналтирилган таълим мазмунини танлаш, таълимнинг сифатли мазмунини тақдим этиш ва ўзаро тенглик асосида ўқувчилар томонидан унинг ўзлаштирилишини таъминлаш, модернизациялашган таълим мазмунида фундаментал ҳамда амалий билимларни самарали уйғунлаштириш, 8—9-синф ўқувчиларига ўқув дастурларини танлаш имкониятини бериш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва ижтимоийлаштиришга қаратилган педагогик жараёни такомиллаштириш масала-



лашган мазмунини ифодалашга оид илмий-методик тавсиялар яратиш; таълим мазмунини модернизациялашнинг иқтисодий-ижтимоий, педагогик муаммолари ва уларнинг илмий ечимлари ҳақидаги қарашларни умумлаштириш йўналишларида баҳс-мунозара, савол-жавоблар асосида ташкил этилди.

Илмий анжуман якунида биргаликдаги илмий-амалий фаолият натижалари таҳлилга тортилди. Шунингдек, таълим жараёнини кучайтиришга муносиб ҳисса кўша оладиган ўзига хос ва муҳим тавсиялар қабул қилинди ҳамда кенг кўламли вазибалар белгилаб олинди.

Геннадий ПАЛЬЧИК, Беларусь халқ таълими тасарруфидаги миллий таълим институти директори:

— Ҳозирги замон таълим ресурсларидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш миллий таълим тизимининг асосий вазифалари сирасига киради. Шу ўринда қайд этиш жоизки, бизда умумий ўрта таълимга таянч бўлган сифатида қаралиб, ўқув жараёнининг натижалари доимий тарзда таҳлил қилиб борилади. Шу

да юксалишлар кузатилаётти. Фикримизча, ўзига хос юксалиш ва узлуксиз таълим тизими моҳияти халқаро илмий-амалий конференциялар минбарларига кўпроқ олиб чиқилса, барчага бирдек фойдали бўлиши шубҳасиз.

Д.ПҮЛАТОВА, Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди:

— Анжуманда барча маърузаларни ҳар бир иштирокчи қизиқиш билан тинглади, десам, сира муболаға бўлмади. Ўзбекистон таълимидаги янгиликлар, хориж таълимидаги ўзига хос хусусиятлар, таълимни янгилашга қаратилган ўқув-методик комплекслар, педагогик таълимдаги айрим муаммолар, уларни бартараф этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар этиборимизни тортди. Масалан, Украинада олий малакали педагогик кадрлар тайёрлашда қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, у ерда тиббиёт, иқтисод, бизнес, муҳандислик йўналишларида таълим беришда ўқитувчи малакаси оқса-япти. Шундай бўлса-да, талабаларга ҳамкорлик педагогикасига таянган кенг йўналишларда сифатли таъ-

ғор тажрибалар айниқса, менга маъқул бўлди.

С.ЭРДЭНЭМААМ, Монголия давлат таълим университети профессори:

— Бугунги анжуман мавзуси — жуда долзарб. Шу боис анжуман котибиятига тақдим этган мавзуимни ўзгартирдим. Йиғилганларга Монголияда қадимда шаклланган таълим тизими ва ҳозирги жараён мамлакатда таълим йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари тўғрисида атрофлича фикр юритдим...

Москвада таълим олиб юрган кезларимда улғу ўзбек шоири ва мутафаккири Аlisher Navoiy шеър ва газалларининг мафтунлиги бўлиб қолдим ва уларнинг аксариятини рус тилидан монгол тилига таржима қилдим. Шу билан бирга айна пайтда Ўзбекистон таълим тизимидаги янгилик, ўзгаришлардан бевосита хабардорман. Бугунги илмий-амалий анжуман таассуротларини ҳам ҳамкасбларим билан ўртоқлашиш ниятидаман.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Бурхон РИЗО олган суратлар.

КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛЛИК

Уни ким, қандай ҳис этапти?

Бир киши Ибн Синодан сўрабди: — Боламинг тарбиясига қачондан киришим керак? — Фарзандингиз неча ёшда? — Олти ойлик бўлди. — Бола тарбиясида олти ой кечикибсиз... Мамлакатимиз Президенти «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган нутқида шундай дейди: «Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради.

Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади».

Хулоса битта — бугун мактаб ишини маҳалла-қўй, ота-оналар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бола тарбиясида билим маскани билан ота-оналар алоқасини мустаҳкамлаш, ҳамкорлигини янада кучайтириш учун «Ота-оналар университети», «Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги маркази», «Ота-оналар кўмитаси», «Мактаб васийлик кенгаши» каби тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди. Эҳтимол, бу тузилмалар орасида бири иккинчисини такрорлайдиганлари ҳам бордир. Ҳамма гап кўзланган мақсадда. Мақсад эса таълим-тарбия жараёнида ота-оналарни оддий «истеъмолчи» даражасидан мактаб таълим-тарбия жараёнининг фаол иштирокчиси даражасига олиб чикишдан иборат. Аммо ҳамма ота-оналар ҳам бирдек бола тарбиясида ўз зиммасига тушадиган инсонийлик бурчини англаб-этаяпти, бу муҳим масалада мактаб, ўқитувчилар жамоаси билан ҳамкорликни йўлга қўйяпти, деб бўладими?



Бир даврда сўбат тизгини бола тарбиясида ота-она ва устоз ролга бориб тақалди. Азалдан баҳс-мунозараларга ўч элмиз. Кимдир у, кимдир эса бу деди. Шу пайт давра тўрида болишга ёнбошлаб, гурунгимизни беписанд қулатиб ўтирган кишига тил битди:

— Бахшашига бошқа гап йўқми?! Бу масалада бола тарбияси учун маош оладиган одамлар бош қўтирсин, шундай эмасми, домла? Унинг маъносиз нигоҳи ич-ичимдан ўтиб кетди: — Ҳамма юкни мактаб, ўқитувчилар зиммасига юклаш тўғри эмас, — дедим унинг мулоҳазасига қўшилмай. — Бола мактабда нари борса, олти соат бўлар, куннинг бошқа қисмида уни ота-она тергаши керак.

— Ота-она тергайдиган бўлса, мактабнинг нима кераги бор, — ошқора ҳужумга ўтди кибор даврадошим. — Инсон ўз умрида оладиган ахборотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида оларкан. Қолаверса, халқимизда «Кўш уясида кўрганни қилади» деган мақол бор. Фарзанднинг яхши хулқи биринчи навбатда ота-онасига шаън келтиради. Бунисига нима дейсиз?

— Сизларга худо гапдан берган, ўзингизга фойдали мақолларни рўқча қилаверманг-да, домла! Сизнинг обрўингиз шогирдларингизнинг қобиллиги билан. Хуллас, кибор даврадошим билан гурунгимиз кўр олмади. Мунозарамиз ўткирлашиб бо-раётганини кўрган давра оқсоқоли фотиҳага қўл очди.

Пиёда қайтаётган, мактабдан келаётган бир гуруҳ ўқувчиларга дуч келдик. — Ассалому алайкум, — дейишди ўғил-қизлар чеккага чиқиб, бизга йўл очшаркан.

— Боракалло, боракалло, — деди кибор даврадошимиз биздан илгарилаб, — Тарбия берган отангизга раҳмат.

Шу пайт барча ҳамроҳларим ялт этиб унинг юзига қаради: — Фарзандларинг яхши хислатлари ота-оналарга, ёмонлари ўқитувчига экан-да, огай-ни?! —

Ҳар қандай улуг иш моҳиятида буюк ўқил яширин. Бу ўқил моҳиятини илк бор оламга «Авесто» китоби орқали аждоқларимиз тушуштириб берганлар: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал!

Дунё тарихига, инсониятга абадий саодатни раво кўрган буюк алломалар меросига назар ташлаймиз. Эзгу гоғлар кўп, эзгу гоғлар ифода этилган эзгу сўзлар ҳам кўп. Эзгу амал-чи?

Олам қўлида тарози тутган донишмандга ўхшайди. Бир паллага жоҳиллар топганларини ташласалар, бир паллага фозиллар илм-фан ва заковат маҳсулини жойлайдилар. Ажабки, бу палла гоҳ у томон, гоҳ бу томонга оғади. Маърифат палласининг тош босишида аждоқларимиз тафаккур дурдоналари кўп ҳолларда ҳал қилувчи аҳамият касб этган, десак, асло муболага бўлмас. Негаки, улар эзгу фикр, эзгу сўз билан кифояланиб қолмасдан, эзгу амал билан маърифатга интилиб, маърифатни улуглаб, маърифатни химоя қилиб яшаганлар. Ҳўш, бугун-чи?

Бугун Ўзбекистонда ёшлар тарбияси, таълимдаги ислохотлар тўғрисида сўз кетганда, баркамол авлод иборасини алоҳида таъкидлаб, ёшларни келажақ бунёдкорлари, деб атаймиз. Миллий гоғнинг асосий маъноларидан бири ҳам Комил инсоний тарбиялашдир. Шу ўринда, аввало, комил инсон ҳақидаги тарихий тушунчалар ва бугунги баркамол авлод тарбияси борасидаги эзгу интилишларимизнинг уйғун ва боғлиқ жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Бу ёруғ оламда шу кунгача инсониятга эзгу мерос қолдирган қанчадан-қанча жамиятлар ўтган бўлса, уларнинг ҳар бирига мансуб олимлар, файласуфлар инсон қадрланадиган, инсонлар бир-бирларига меҳрибон, елкадош бўлган адолатли ва тинч бир жамиятнинг орзу қилиб келганлар. Бу борада ўзларининг таълимотларини яратганлар. Улар тақдир ҳукми ила қаерда яшаб, ижод этган бўлмасинлар, ўз юртларининг номини исмига ҳам қилиб, унга шараф бағишлаб юрганлар. Аҳмад ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Бурхониддин Марғиноний... Ҳўш, нима учун бундай қилишган, ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Ахир, юрагида киндик қони тўқилган Ватанига содиқлик, меҳр-муҳаббат бўлмаган инсон шундай қилиши мумкинми? Қаранг, орадан минг йиллар ўтиб кетди. Бугун бу боболаримизнинг фақат яратган улкан илмий мероси эмас, балки мана шу номлари ҳам бизга қанчаллик гуруру ва ифтихор бағишлайди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ҳақиқий комил инсонлар, менинг назаримда, шундай бўлиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, аждоқларимиз яратган комил инсон — баркамол авлоднинг тарбиялаш гоғиси бугун чинакам амал фаслига кирди.

Негаки, бу гоғ фақат алоҳида шахсларни эмас, балки бутун халқни юксак тараққиёт сари етаклашга, маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантиришга қодирдир.

Комил инсонни тарбиялаш, шу орқали жамиятда комил ахлоқ, ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, оқибат қарор топган тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш халқимизнинг эзгу орасуи, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган.

Буюк бобомиз Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» китобида юксак фазилатлар соҳиби бўлган комил кишилар тўғрисида тўхталади.

Ҳўш, у, аввало, билимли, зуқко, соғлом, табиатан но-зик фаросатли, англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида дўла-тўқис сақлаб, фикрини равшан тушунтира оладиган, ўқиш-ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган,

Фарҳод барча соҳаларда ўзига хос билим эгаси бўлиши билан бирга, ҳўнар бобида ҳам тенгсиз эди. Навоий уни фақат жисмоний эмас, балки маънавий гўзалликда ҳам камолотга эришган, пок қалбли, жасур, мард, шижоатли, ҳаммиша эл-юрт хизматига ҳўзир, доимо халқ дардида ёниб яшор деб билган, софдил, иродали йигит сифатида яратди.

Комил инсон тарбияси ҳаммиша, ҳамма даврларда фозил аждоқларимизнинг диққатида бўлиб келган. XX аср бошларида бу гоғ Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асариде ижтимоий ва ахлоқий қарашларнинг ўзига хос баёни сифатида замонага мос ҳолда ривожлантирилди.

Авлоний инсоннинг фатонат, назофат, сазй ва ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, ҳўлм, интизом, миқёси нафс, виждон,

Фикр тарбияси борасида тўхталар экан, у шундай дейди: «Фикрнинг суввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан ойлмайдуру. Бирининг вужуди биричи боиланган жон ила тан кабудир... Масалан, жой солинмаган яхши бир уйнинг ичида ўтирмак мумкин ўлмадики каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуриб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдуру».

Авлоний фикрларини давом эттириб ахлоқ тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади: «Инсонларга эъ муҳим, баланд даража бергуде ахлоқ тарбиясидур. Биз... тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки дарс олувчи билувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демекдур.

Шўнинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб, шо-

асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?». Бу сўзларни бежиз тилга олмадик. Ҳеч қайси давлат аниқ мақсад ва режасиз олға қараб илдамлай олмаиди. Салкам 28 миллионли халқ билан олға қараб интилиш учун ҳар бир қадамни пухта ўйлаб, ҳар бир муаммонни чуқур таҳлил қилиб, ечимларини топиб, аниқ вазифаларни белгилаб, қадам ташлаш қанчалар маъсўлиятли.

Биз фарзанд тарбияси борасида сўз кетганда, кўпинча, устоз ёки ота-она сифатида кўпроқ фикр юришишга ҳаракат қиламиз. Аммо мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг илк кўнларидан бошлаб, бутун Ўзбекистоннинг ўсиб келаётган миллион-миллион ўғил-қизларни тақдирини, келажагини ўйлайдилар. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамалигида шундай йўл, шундай тадбир қўландики, у тўфайли

2010-yil — Barkamol avlod yili

йироқ турли гоғларни тарбия қилаётган, гиёҳвандлик ва бошқа шўнга ўхшаш таъсирлардан фарзандларимизни қандай асраш мумкин эди? Мана, чин маънода тарбия, мафкуравий иммунитет, ирода мустаҳкамлиги, саломатлик, дунёқараш кенглиги, билим, замонавий касб-ҳўнар, юксак маънавият фарзандларимиз учун нимага керак? Нима бу борада қалқон вазифасини ўтайди? Маърифат, ёшлар юрагига эзгуликни муҳрлаган комиллик фазилатлари! Ёвуз оқимчи йўлини ҳеч қачон кўч билан батамом тўсиш қийин. Негаки, кеча у бу ерда пайдо бўлган бўлса, эрта бошқа ерда, бошқа кўринишда намоён бўлмақда. Инсон қалби, тафаккури соғлом бўлса, баркамол, етук бўлса, ўзи билани нимани қабул қилиш, нимади қабул қилмаслиқни. Ўзи яхши-ёмонни ажратиб

КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛЛИК

Уни ким, қандай ҳис этапти?

Фозил ҳамроҳимнинг даққиси дўстимизга қандай таъсир қилганини билмадим-ку, мен йўл буйи фарзанд тарбиясини ўзича кимнингдир елкасига юклаб, ўзини четга оладиган ота-оналар ҳақида ўйлаб бошладим...

Тарбия — мураккаб жараён. Ҳар бир болага алоҳида эътибор зарур. Эсимда, ҳали беш-олти яшар болақай эдим, оиламиздан икки киши (отам ва акам) мактабда ўқитувчи бўлиб ишлар, учтаси эса таҳсил оларди. У замонлар қишлоқ шароитида электр чироғини орзу ҳам қилиб бўлмас, тунги пайт ҳамма пиллик чироқ атрофидан жой оларди. Кимдир уй вазибаларини бажариши, кимдир эса эртанги дарсага тайёргарлик қўриши керак. Чироқ атрофидан менга ҳам жой топиларди.

— Укаларингга алифбони, сонларни ўргатинглар, ўқишга борганда қўйилади қолмайди, — дер эди ўрта мактабда директор бўлиб ишлаётган отам.

— Ўғлим яхши ўқимаяпти, — деди қишлоқдаги маъракалардан бирида ёнма-ён ўтириб қолган танишим.

— Нега бундай экани билан кизикдингизми? — сўрадим ундан.

— Нима демоқчисиз?

— Мактабга бориб, ўғлингизнинг устози билан маслаҳатлашдингизми?

— Бўнинг нима ҳолати бор? Ўқитувчи бўлгандан кейин, ишини билиб бажарсин-да!

— Ота сифатида ўғлингизга сабоқ бераётган ўқитувчининг дарсига киришингиз, фарзандингизнинг ўқишини кузатишингиз мумкин эди-ку.

— Бўнга вақт қайда дейсиз... «Бўнга вақт қайда дейсиз»... Ўйламасдан берилган жавоб. Қизик, ота-она учун фарзанд камолдан муҳимроқ иш бормикан ўзи?

Донишманд Муҳаммад Жабалрудийда шундай ҳикоят бор: Бир устоди аввал шогирдини имтиҳон қилибди.

— Кишининг қалбида қуйидаги бўстонлар бўлади, — жавоб берибди шогирд устозининг саволига. — Биринчи — илм бўстони, иккинчи — мулоиймлик бўстони, учинчи — ихлос бўстони, тўртинчи — камтарлик бўстони, бешинчи — саховат бўстони, олтинчи — ризо бўстони, еттинчи — умид бўстони...

... Устоз шогирдининг ақлига яна ҳам қойил қолди ва шўнча ёшга кириб, бундай оқил шогирдини кўрмаганини ҳис этди. Сўнг шогирдиндан сўради:

— Эй фарзанд, ёш бўлатуриб, шўнча илму ҳикматни кимдан ўргангансан?

Шогирд: — Ота-онамдан! — деб жавоб берди...

Синфлардан бирида ўтказилаётган ота-оналар мажлисига кириб қолдим. Хонада ўтирганларнинг девяри ҳаммаси хотин-қизлар (укасининг илтимосига кўра, мажлисга келган оталар ҳам бор) эканини кўриб ҳазиллашдим:

— Бугун оналар мажлиси экан-да! — Эркаларда мажлисга келишга ҳафсала борми?! — жавоб берди шаддодроқ оналардан бири.

Мен эса яна чексиз саволлар гирдобига қолдим.

Мактабга ташриф буюриш у ёқда турсин, умрида бирон мартаба таҳсил олаётган ўғил ёки кизининг кундалик дафтарини varaқлаб кўрмаган ота-оналар ҳам кўп. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-хўнарли қилиш, бошини икки (ўғил-жойли) қилишдан иборат экан, масалада бундай ёндашишни ўринли деб бўладими? Зеро, ота-она болани дунёга келтирган учун эмас, уни одобли, яхши хулқи қилиб воёга етказгани учун халқ орасида ҳурмат топиши — ҳаётий ҳақиқатдир.

Абдунаби АБДИЕВ

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

маданиятли, турли ахлоқсизликлардан ўзини тия оладиган. Ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлгонни ва ёлгончиларни ёмон кўрадиган бўлиши керак эди. Шу билан бирга, ўз қадрини билувчи, ориятли, пасткашликлардан юқори турувчи, олийҳиммат, улуг олий ишларга интилувчан, ҳойликка ҳирс қўймайдиган, адолатпарвар, одамларни севадиган, эозимларни ёмон кўрувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабранганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи, ҳақ иш олдиде мурасасиз, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймадлиги зарур.

Қарангки, бу талаблар бизнинг бугунги ниятларимизга қанчалар ҳамоханг.

Бугунги ёшларнинг қалбини комиллик калити ила очилишимизда, уларни фозилларга хос камол топтиришимизда буюк бобомиз Алишер Навоийнинг бой мероси биз учун муҳим манба борибди. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидеги Фарҳодни навоийшўнос олимларимиз шoir орзусидаги чинакам комил инсон тимсоли, дея таъкидлайдилар. Комилликнинг энг биринчи муштахам асосларидан бири эса — покликдир. Фарҳод айна ўша поклик тимсоли сифатида воёга етди:

Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тилга поку, сўзи поку,
ўзи поку.

гирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чақуштуруб ўргатмақлари лозимдур...

Абдулла Авлоний ўз даврида фақат буюк аждоқларимизнинг комил инсон тарбияси борасидаги эзгу фикрларини қўллаб-қувватлагина қолмади, балки уларни амалга ошириш борасида ҳам изланишлар олиб борди.

Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ҳар қандай улуг мақсадларга, шўнингдек, Ватан равақи, Юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига, давлат мустақиллигининг бардавдом бўлиши, қудратли, ривожли, истиқболли учун ҳам бириндан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси.

Авлоний тарбиянинг замони ҳақида фикр билдирар экан, «тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантирмак, фикримизни нурлантирмак лозим», дейди. Яна бу борада тарбияни кимлар, қаерда амалга оширадиган, деган саволни ўртага ташлар экан, ота-она таъсирида бўладиган уй тарбияси, муаллим ва тарбиячилар таъсиридаги мактаб-мадраса тарбиясига тўхталиб ўтади. Шу билан бирга, тарбия иши ота-она, муаллим, мударрис вазифаси бўлиши билан бирга, ҳукумат вазифаси ҳам эканини алоҳида таъкидлаб, қатъий хулоса сифатидаги машҳур ҳикматиини айтади: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё халокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».

фарзандларимиз ҳам ақлли, кенг дунёқарашли, билимли, доно, иймон-эътиқодли, ватанпарвар, соғлом, кучли, ҳамжихатликнинг, бирликнинг кучини англайдиган бўлиб воёга етмоқдалар.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!». Ҳа, мамлакат раҳбари фарзандларимиз бошланган эзгу ишларни келгусида дадил давом эттиришини, буюк аждоқларига муносиб ҳаёт кечиришини, дунёнинг шў эл, шў юрт учун ёниб яшашини истадилар. Аслида бу истак ҳар бири-мизнинг қалбимизга туташдир.

Бугун дунёда мафкуравий жараёнлар ҳар қачонгидан кўра ҳам ривож топиб кетди. Бугун оммавий ахборот воситалари, ахборот узатишининг универсиал воситалари, турли китоб, журнал, фильмлар, кўйингики, ахборот оқими шў даражага етдики, уларнинг моҳиятига турли кучлар ўз гоғлари, таълимотларини жойламоқда. Ана шў таълимотлар таъсирида умрида отасига қаттиқ гапирмаган айрим ёшлар ота-онаси, халқи, Ватани юзига оёқ қўймоқда.

Кўлига қурол олиб, ўз оғаниларининг қонини тўқмоқда. Ҳўш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнини топиши, турли мафкуравий таъсирлардан йироқ бўлиши учун нима қилиш керак эди? Ўзингиз айтинг, бугун турли мафкуравий ақидаларни тарғиб қилаётган газеталар, журналлар, радиостанциялар, видео ва аудиокассеталар шармсизлик, инсонийликдан


олади. Мана шў йўлда мамлакатимизда ўз вақтида қўйилган энг муҳим қадам, бу — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши бўлди.

Муҳтарам Президентимиз истиқлолимизнинг илк кўнларидан бошлаб, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шiorни бутун мамлакат бўйлаб энг юксак мақсад байроғи сифатида баланд кўтардилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар инсон бир нарсига ишонмаса, шундай дейиши мумкинми? Ана шў ишончининг замини қаерда? Ҳеч шўбҳасиз, бу йўлда Юртбошимизнинг жасорати, ахлоқимизнинг ақл-заковати, ижодкор, бунёдкорлиги, бағрикенглиги, меҳнатқашлиги, тинчликсеварлиги, болажонлиги муҳим замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Эсласангиз, Юртбошимиз ўн икки йиллар муқаддам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида гапириб, улар локомотиб янглиз давлат ва жамиятнинг барча бўғинларини ривожланиш сари бошлайди, деган эдилар. Мана энди ўша сўзларнинг исботини барчамиз кўриб турибмиз. Қисқа вақт ичида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди, қилолмайди».

Юртбошимиз катта ишонч ва умид билан қараётган улгаётган баркамол авлод, шўбҳасиз, Ўзбекистоннинг буюк келажақ тўғрисидаги эзгу мақсадларининг асосий таяччи бўлади. Ватанимиз яшари ана шундай комиллик йўлидан бормоқдалар.


Минҳожиддин МИРЗО Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари



Пойтахтимиздаги 324-мактабда ҳам октябрь — «Филология йўналишидаги фанлар ойлиги» турли тадбирлар, кўрик-танловларга бой тарзда олиб борилмоқда. Бунда мактабнинг ушбу фанлар методбирлашмаси ҳамда фан ўқитувчилари — Барно Зокирова, Файзулла Искандаровнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Устозларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўқувчилар иштирокида деворий газеталар, алломаларнинг албомлари, мавзуга оид плакатлар тайёрланиб дарсларда кўргазмалари восита сифатида фойдаланилмоқда.

Адабиёт — одоб кўзгуси мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ўқувчилар ўз фаолликларини намойиш этдилар. Суратларда: мактаб ўқитувчилари Б.Зокирова ва Ф.Искандаров навбатдаги машғулотларни олиб бормоқда.

А.ХАЙДАРОВ олган суратлар.



Oktabr — Filologiya yo'nalishidagi fanlar oyligi

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

у адабиёт сабоқларида сайқал топади

Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, миллий ва умумбашарий қадриятларга содик, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўла оладиган комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Дунёдаги барча давлатларда Ватан тушунчаси ва ватанпарварлик гоёси мавжуд бўлиб, бундай туйғулар давлат манфаатларига, халқ тафаккури, ҳаёт тарзи ва руҳиятини шакллантириш масаласига бевосита боғлиқ. «Ҳар бир кишининг туғулиб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўскан ерини жонидан ортиқ суяр. Хатто бу Ватан ҳисси, туйғуси ҳайвонларда ҳам бор...». А.Авлонийнинг ушбу фикрларини давом эттириб, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган ривожланган мамлакатлар тараққиётининг бош мақсади асосида ҳам ватанпарварлик гоёлари уйғунлигини кўрамиз. Ватанпарварлик гоёлари адабиёт дарсларида ўргатилар экан, ёшларни тинчлик ва осуда ҳаёт қуришга, бошқа халқларнинг удумларини, анъаналарини, умумбашарий қадриятларини ҳурмат қилиш орқали барқарор ҳаёт сари илҳомлантиради. Шунингдек, бу кўрсаткичлар барча халқлар учун умумий хусусият бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг амалий натижасини белгилайди.

Адабиёт дарсларида бадий асарлар ўрганилар экан, ўқувчи ватанпарварликнинг турли хил кўринишларини ҳис қилади. Жумладан, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- узюкда, айрилиқда Ватанни кўмсаш;
- Ватанни мадҳ этиш;
- Ватанни ҳимоя қилиш;
- Ватанни сақлашга даъват;
- Ватандан гурурланиш ва бошқалар.

Ана шундай жиҳатлар барқарор ривожланиш омиллари сифатида ўқувчини умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялайди. Ватан туйғуси, тилидан, дини-

дан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир чинакам инсонга хос сўнмас тимсол.

Ватан тушунчаси муайян жуғрофий ҳудудни қамраб олмайди, балки унинг таркибига бутун жамият, унинг кечаги кунли, бугуни ва эртаси ҳам киради. Инсоннинг кимлигидан, касби-коридан қатъи назар, у Ватанга жуда керакли эканлигини англаши адабиёт фанини ўқитишнинг асосини ташкил этади. Инсонлар Ватан олдидаги фарзандлик бурчини тўлатқис ўташ учун бир умр ҳаркат қилади. Ватанни чин юракдан севиш, унга фидо бўлиш баландпарвоз сўзлар билан эмас, балки уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, зарур бўлганда фидойиликни талаб қилади. Муаммонинг ҳал қилиниши баробарида адабий таълимда ёшларни ватанпарварлик туйғуларига ошно қилиш омиллари шаклланади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг қуйидаги омилларини кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий ватанпарварлик;
- фалсафий ватанпарварлик;
- инсоний ватанпарварлик.

Ижтимоий ватанпарварлик — инсонларда мамлакат мустақиллиги шароитида сиёсий онгнинг шаклланиши, сифат ўзгаришлари, шахс маънавияти орқали содир бўлиши муҳимлиги билан белгиланади. Кишилар дунёқарашда мулкка бўлган муносабатлар, эътиқод эркинлиги, дунёқарашлардаги ижобий ўзгаришлар, шахснинг ташаббускорлиги қабилар билан баҳоланиб, бундай ҳолатлар тизим таркибий тузилмаси томонидан рағбатлантириб борилади.

Фалсафий ватанпарварлик — жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг инсон онгида акс этиши билан боғлиқ бўлиб, нафси тийиш, турли ҳолат ва вазиятларга тушганда фалсафий мушоҳада қилиш, сабабсиз оқибат, оқибатсиз сабабнинг йўқлиги, инкор қилиш, вақт, макон та-

мойиллари, муаммо, фазовий ва ички компонентларнинг ўзаро алоқадорлигидан ташкил топади.

Инсоний ватанпарварлик — энг оддий, шунинг билан бирга ўта жиддий ва мураккаб кўринишдир. У жисм билан руҳ, шакл билан мазмуннинг узвий бирлиги ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласи мисолида ойдинлашади. Бунда нимаики мазмунда бўлса, шаклда ўз ифодасини топиши муқаррарлигига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади. Мана шундай дарс жараёнида олиб борилган «кичик тадқиқотлар» ўқувчиларни тизимли фикрлашга, муаммонинг илдизини кўра олиш орқали асосий гоёни ёрдамчи гоёлардан ажратишни, келажакка йўналтирилган тафаккурни ривожлантиришга йўналтирувчи энг муҳим метод бўлиб қолади.

Дарс модуллари маълум бир муаммонинг ечимини топишга йўналтирилган экан, ўқитувчи машғулот давомида ўз вазифасини бола шахсини ривожлантириш учун зарур имконият яратиб берувчи ҳамда бошқарувчи сифатида қуйидагиларни амалга оширади:

- дарсда ватанпарварликка оид маҳаллий ва халқаро миқёсдаги ижобий мисоллардан фойдаланади;
- ўқувчиларга амалий ёрдам беради, уларни қўллаб-қувватлайди;
- демократия, сўз эркинлиги ва ҳурматга асосланган мулоқот маданиятини шакллантиради;
- ўқувчиларни янги билимлар олишга қизиқтиради;
- ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилияти ва характери-ни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнига жалб этади, билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш баробарида шахс сифатидаги камолотига кўмаклашади.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА,
А.Авлоний номидаги
ХТХҚТМОИ
кафедра мудири,
педагогика фанлари
номзоди, доцент

«Қалбим катта бўлиб қолган ёш ва тажрибасиз болаларимга маслаҳат беришга зордир. Мен ушбу васиятни шунинг учун ёзмақдаманки, ҳаётга интилувчан ўсмирлар олдида ўрганилмаган саволлар кўпайиб кетмоқда. Уларнинг ечимларини кўпчилик ўзларига ташлаб қўядилар ёки нотўғри фикр билдириб, чалғитадилар».

Бу сўзларни Д.Менделеев 1902 йили «Фикрлар мероси» асари устида иш бошлаганида ёзган эди.

Петербургдаги илмий архивда сақланаётган Менделеевнинг болалари учун ёзган мерос хатида «инсон ўз камоли ва бахти сари борадиган йўлни меҳнати орқали барпо этади», дейилади. Олим яна — ҳар қандай иш меҳнат деб аталмайди, ҳақиқий меҳнат ўйланган, англаган ва одамлар учун керакли бўлади, — деб таъкидлайди.

АСОСИЙ БОЙЛИК — ЎЗ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБА

Менделеев меҳнатга муносабатни ҳар бир киши ўзининг имкониятидан ва шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб бошлаши кераклигини маслаҳат беради. Меҳнатга жиддий ёндашиш ўзингизда ва ён-атрофингиздагиларда сабр-тоқат ва ироданинг шаклланишига ёрдам беради. Менделеевнинг ҳамсуҳбат дўсти етук физиолог И.Мечников сўзига кўра мустаҳкам ирода инсонда 40 ёшидагина тўла шаклланади. Менделеев маърифатнинг асосий мақсадини дангаса хаёл-парастларни ҳаракатчан изланувчиларга айлантиришда кўрар эди.

Dunyo donishmandlari bisotidan

Ўз меҳнат йўлини бошлаган ёшларга эса шундай маслаҳат беради: «Аввал қийинчиликларга бўйсуниб, чидаш керак, кейинчалик эса қийинчилик сезилмас бўлиб, худди ўзингизга мос кийимдек бўлиб қолади. Билим ила меҳнат асосида кўп нарсага эришасиз. Асосий бойликка — ўз устингиздан ғалаба қозонишга эга бўлинг».

Инсон ўзини тарбиялашни ёшлигидан бошлаши керак, иродасизлик қилиб қўйсангиз тушкунликка тушманг. Сиз атрофингиздаги дунёга яхшилаб қаранг ва қулоқ солинг, инсонлар ва китоблар орасидан ўзингизга намуналисини топиб, унга қараб интилинг. Мол-мулкингизни рўкач қилиб, мақтанманг. Фақат инсонлар учун берган кўмагингиз билан мағрурланманг. Бу ўзликни унутмасликка ёрдам беради.

Роҳат ўтиб кетар, у ўзингиз учун, меҳнат из қолдирар, у бошқалар учун. Ўрганиш — ўзингизга, илмининг меваси — бошқаларга. Илмининг маъноси шу. Агар меҳнатда омадсизликка учрасангиз, хафа бўлманг, яна уриниб кўринг, саросимага тушманг, бу сизни бошқаларга керакли бўлган инсонга айлантиради.

Бундан яхши васиятни қолдира олмайман. Унга кўра яшанг ва бошқаларга сиз ҳам васият қилинг».

Менделеевнинг ўзи айтганидек, унинг бу васиятлари вояга етмай, эртанги кун режалари устида ўйлай бошлаган ёшларга бугун ҳам катта таянч бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мақсуд ЖАББОРОВ,
Жиззах туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси

...Аланга улкан куёш сандонидан олинади. Шундан сўнг бу машъала дунё микёсидаги чемпионат ғолиблари кўлига ўтади. Рамзий маънода машъаланинг улар кўлидан ёш спортчиларга узатилиши ижобий ҳодиса: ука-сингиллар ҳам опа-акалари қатори совриндор бўлишсин.

Сўлим Паркент туманидаги Ҳисорак қишлоғига етмасдан кўзга ташланувчи тепаликда ҳашаматли бино бор. Бу қурилма орқали куёш радиацияси бир жойга тўпланиб, бундан катта энергия ҳосил қилинади. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари шон-шарафи учун машъала ана шу сандондан олиб чиқилиб, кўлма-кўл, йўлма-йўл белгиланган манзилга етказилади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфидан физика-техника институти «Физика-куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари томонидан яратилган бу қурилма куёш энергиясини йиғиш, тўплаш имкониятига эга. Куёш чарақлаб нур сочиб турган кунда линза орқали унинг нури тўпланади. Олимлар куёш радиациясини тўплаш, уни энергиянинг фойдаланиш қулай бўлган бошқа турларига айлантириш муаммосини ҳал қилиш йўлида изланмоқдалар.

Маълумотларга кўра, куёшдан она сайёрамизга оқиб келувчи иссиқлик оқими йилига $1,5 \cdot 10^{18}$ килловатт-соат

ка айлантирувчи инвертор бор. Фото-электрик қурилма таркибида ҳар бири 36та элементдан таркиб топган куёш батареяларидан тузилган ва бир неча фотоэлектрик модулга бирлаштирилган, қуввати 1000 ваттли фото-электрик блок мавжуд. Йил фаслларида боғлиқ ҳолда фотоэлектрик қурилманинг энергия жамғариш қобилияти куёшли кунда 6-10 килловатт-соатни ташкил қилади. Энергияни жамғариш тизимида кучланиши 220 ваттли ўзгарувчан токка мўлжалланган, истеъмолчиларни энергия билан таъминлайдиган катта вольти инвертор жойлаштирилган.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ — ТАДҚИҚОТ МАНБАИ

қувватга тенг бўлиб, буни ер юзидаги барча электростанциялар ҳам ишлаб чиқара олмас экан. Шундай бўлгач, табиий манбадан фойдаланишнинг илмий ва ҳаётий лойиҳаларини тақдим этиш, уни ҳаётга жорий қилиш институти олимларини доимо қизиқтириб келади. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ёрдам берувчи бу илмий-техник ишланмалар юртимиз ҳамда хорижда ўтказиладиган инновацион кўргазмаларда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Бу йил «Ўзэксспомарказ»да ташкил этилган кўргазмада 12та шундай лойиҳа намойиш этилди. Олиб борилаётган тадқиқотлар 4та йирик фундаментал йўналишга сингдирилган бўлиб, бунда бир қанча жиҳатлар ҳисобга олинади. Тадқиқотнинг долзарблиги, ҳаёт учун зарурийлиги — бирламчи шарт. Иккинчидан, уни амалга ошира оладиган салоҳиятли кадрлар етарлими? Қолаверса, ишланма нафақат мамлакатимиз, балки дунё микёсида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши лозим. Фан ва технологиялар маркази томонидан тасдиқланган фундаментал тадқиқотлар қаттиқ жисмлар назарияси, юқори ва ўта юқори энергиялар физикаси, ярим ўтказгичлар физикаси, куёш энергиясини қайта ўзгартириш бўйича олиб борилмоқда. Қандай натижалар кўлга киритилди, бу — энг муҳими.

Қаттиқ жисмлар назариясида ночизиқли тўлқинларнинг бир жинсли бўлмаган ва тасодифий бир жинсли бўлмаган муҳитлардаги тарқалиш қонуниятлари ўрганилди. Бундай муҳитларда оптик солитон(яқкаланган тўлқин)лар динамикаси тадқиқ қилинди.

Фундаментал тадқиқотлардан бири куёш энергиясини қайта ўзгартириш билан боғлиқ бўлиб, у жуда катта йўналиш ҳисобланади. Кўп йиллик тадқиқотлар маҳсули сифатида қуйидаги қурилмалар яратилди:

Қуввати 1000 ватт бўлган фотоэлектрик қурилма

Бу қурилма кристалли кремнийдан ясалган куёш элементлари асосида ишлаб чиқилган. Куёш элементлари диффузион жараён асосида ишлайди ва элементлар кремний асосида тайёрланган. Уларнинг фойдали иш коэффициенти 13-16 фоизга тенг. Ишлаб чиқарилган куёш элементлари ҳар хил бўлиб, қуввати 1 ваттдан 1000 ваттгача. Уларнинг тўлиқ комплекти таркибида фотоэлектрик модуль, энергияни жамғариш тизими, кучланиши 12 ваттли ўзгармас токнинг 50 Ғ частотали, 220 ватт кучланишли ўзгарувчан ток-

Куёш сув иситкич коллектори

Бу қурилма турар жой бинолари, жамоат ва ишлаб чиқариш иншоотларининг иссиқ сув таъминоти тизимлари учун мўлжалланган бўлиб, улар ёз мавсумида мазкур объектларда сарфланадиган иссиқлик энергияси микдорини 70-80 фоизгача тежаш имкониятига эга. Қурилманинг сутка давомида иссиқ сув таъминотида узлуксиз ишлашини таъминлаш учун улар иссиқлик йўқотишдан муҳофаза қилинган иссиқ сув жамловчи қурилмалар (бак-аккумуляторлар) билан биргаликда ҳаракатлантирилиши лозим. Унинг ёрдамида иситилаётган сувнинг ҳарорати 60-65 даража бўлганда, уларнинг фойдали иш коэффициентини 40-45 фоиз ва йил давомида уларнинг бир квадрат метр сатҳидан фойдаланиш ҳисобига тежаладиган анъанавий ёқилғи микдори 100—120 кг.ни ташкил қилади.

Куёш энергияси ва ёқилғи ёрдамида ишлайдиган сув кўтарувчи мослама

Ирригация ва сув таъминоти мўлжалланган бу мослама иссиқлик етказиб берувчи тизимдан ташкил топган циркулаштирилган насос блокдан иборат. Иссиқ сув таъминоти тизимидан иборат гидропоршенли сув кўтаргич ёқилғи манбаи ёрдамида ишлатилиши мумкин.

Тўпланган куёш нури ёрдамида импульсли нурлатгич


Одамнинг баъзи органларини ёки бутун танасини импульсли нурлантиришга мўлжалланган восита. Унинг терапевтик самарадорлигини таъминлаш асосида нурнинг иссиқлик ва тўқинсимон таъсири мавжуд. Тоблагични тиббиёт тажрибасида қўлланнинг методик тавсиялари Н.А.Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий текшириш институтида ишлаб чиқилган. Клиник синов ҳулосалари ва етук мутахассисларнинг тақрирларида нурлатгичдан фойдаланиб, асаб, ўпка, бронх тизимлари, таянч ҳаракат аъзолари хасталикларини даволашда яхши натижаларга эришилганлиги ифодаланган.

Нур билан даволовчи мослама

Бу мослама кишининг аъзоларини ёки бутун танасини куёшникига яқин бўлган сунъий нур манбаидан тўпланган импульсли оқим билан озиклантиришга мўлжалланган. Усулнинг терапевтик самарадорлигини аниқлашда Н.А.Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физик терапия илмий текшириш институти шифокорларига мурожаат қилиниб, ижобий жавоб олинди.

Суткасига бир тонна чиқиндини қайта ишлайдиган биогаз мосламаси

Чиқиндиларни анаэроб бактериялар билан қайта ишлаш усулидан фойдаланувчи биогаз қурилмаси яратилди. Унинг ёрдамида органик чиқиндилар қайта ишланиб, экологик тоза, суюқ, юқори сифатли органик ўғитлар олиш мумкин. Бу ўғитларда аммоний тузлари кўринишидаги минералланган азот (азотнинг энг энгил ўзлаштириладиган шакли), минералланган фосфор, калий ва бошқалар, ўсимликлар учун зарурий биоген макро-микро элементлар, биологик фаол моддалар, витаминлар, аминоксилоталар,



тупроқни шакллантирадиган гуминга ўхшаш бирикмалар мавжуд. Бундай ўғитларнинг бир литри ўзининг ўсимликларга таъсири самарадорлиги билан тахминан 100 кг. қорамол чиқиндисига тенг. Суткасига 40 метр-куб биогаз ва 1 тонна юқори сифатли органик ўғит ишлаб чиқарадиган биогаз мосламаси фермер хўжалиқларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Стирлинг цикли билан ишловчи иссиқлик машинаси.

Унинг илк нусхаси 1816 йили яратилган бўлса ҳам, ҳозирги даврга келиб унга нисбатан қизиқиш янада кучайган. Швеция, АҚШ, Япония, Хитой, Германия мамлакатларида сувошти кемаларининг ишлаш принципи Стирлинг двигатели асосига қурилган. Бундан ташқари, музлаткични фреон қуйилмасдан туриб ишлатиш унинг экологик жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлайди.

Институтнинг гелиотехник қурилмалар лабораториясида тадқиқотчи Илдор Турсунбоев томонидан ана шу двигателнинг такомиллаштирилган нусхаси яратилди.

Шунингдек, Стирлинг юритгичи турдаги термодинамик ўзгартиргичлар асосидаги автоном агрегатларни яратиш ҳам мумкин. Қозон-электроргенераторнинг тажрибавий нусхаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг қартерига ўзгарувчан ток электрогенератори жойлаштирилган Стирлинг юритгичи ўрнатилган. Ёниш камераси газсимон ёқилғи — биогаз, табиий газ, биомасса асосида ишлайди. Стирлинг юритгичи ва ёниш камерасида ишлатилган иссиқликдан қайта фойдаланиш тизими мавжуд. Энергетик модулни ишга тушириш ва ростлаш тизимидан иборат

Fan va hayot

бошқариш блоки унинг ишлаш жараёнини таъминлайди.

Ихтисослашган илмий кенгаш

Илмий-тадқиқот институтилари фаолиятини изга солишда амалиётга таъбиқ этилиши мўлжалланаётган лойиҳаларнинг ишлаб чиқилишида, муҳокама қилинишида ихтисослашган илмий кенгашлар муҳим роль ўйнайди. Бу ишланмаларнинг барчаси илмий кенгаш томонидан мувофиқлаштириб борилади. Институт қошидаги ихтисослашган илмий кенгаш ҳимояга тайёрланаётган номзодлик ва докторлик ишларини муҳокамадан ўтказиш, тадқиқотчиларга бериладиган мавзуларни тасдиқлаш, ўрганилиш жараёнида учраётган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришда ўзига хос механизмдир.

Носир Саидинов, ихтисослашган илмий кенгаш котиби, физика-математика фанлари доктори:

— Физика фани бўйича йирик-йирик кашфиётлар яратилган бўлса-да, ҳали бу фаннинг одамзодга маълум бўлмаган жумбоқлари жуда кўп. Илмий кенгашимизга аъзо бўлган 21 нафар етук мутахассис ярим ўтказгичлар физикаси, куёш энергиясидан фойдаланиш бўйича бошланган қизиқарли тадқиқотларни охирига етказишда ўз билим ва малакаларини ишга солишяпти. Ҳар йили 10-12 нафар тадқиқотчи номзодлик, 3-4 киши докторлик ишини ҳимоя қилади. Илмий тадқиқотлар аввал тор доирадаги семинарда муҳокама қилинади, сўнгра ихтисослашган илмий кенгаш аъзолари «чиғириғи»дан ўтказилади. Олий аттестация комиссияси экспертлари ҳулосасидан сўнг тадқиқотчининг иши тасдиқланади. Ўзбекистонда шундаки, энг кичик ишланмадан тортиб, энг йирик тадқиқот ҳам илмий кенгаш аъзоларининг назаридан четда қолмайди. 2007 йили академик Мухтор Саидов раҳбарлигида ярим ўтказгичлар бўйича олиб борилган илмий ишланмалар давлат мукофотига сазовор бўлди.

Олий ўқув юрлари талабалари — бакалавр ва магистрантлар институти лабораторияларида ўз ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун келишади. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 5та кафедра очилган бўлиб, физика фанини ўқитишнинг долзарб масалалари тавсия қилинмоқда. Айни пайтда институти олимлари касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда дарс беришмоқда.

Кўп йиллик изланиш ва уринишлар натижасида яратилган тадқиқот интеллектуал мулк ҳисобланади. У жамият манфаатида хизмат қилиши лозим. Шу боис ҳар бир тадқиқот давлат патент идораси томонидан ҳисобга олиниб, рўйхатдан ўтказилади, расмийлаштирилади. Бу ҳақда институти интеллектуал мулк бўлими мудираси **Нафиса Мусахонова** фикр билдиради:

— Институтида олий таълим муассасаларининг физика факультетини битириб келаётган ёшларнинг кўпчилигидан хурсандимиз, улар тадқиқот олиб бериш истагида долзарб мавзуларга қўл уришмоқда. Давлат патент идорасига бир йилда топширилаётган ўртача 5та ихтиронинг асосий қисми ёш олимлар меҳнати маҳсулидир. Институтида қошида ташкил этилган «Курилишгелиосервис» масъулияти чекланган жамият турли ишланмаларга тушаётган буюртмаларни қабул қилиш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш, ўрнатиб бериш, ишлатиш жараёнини назоратга олиш вазифаси билан шуғулланади. Жамият ҳар йили камида 100 миллион сўмлик буюртмани қабул қилади. Бу эса институтининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий ходимларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш омили бўлаёпти.

Дарҳақиқат, ушбу даргоҳда олиб борилаётган тадқиқотларнинг салмоқли эканлигини илғаш қийин эмас. Яратилаётган ҳар бир янги ихтиро кишилар турмуш шароитини яхшилашга, фаровонлигини ошириш, умуман, мамлакатни ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Хулқар ТҲИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Одамзоднинг бошқа юртларга, ўзга халқларга, шунингдек, олис ўлкалар табиатига қизиқиши унинг олами билишга бўлган иштиёқидан. Бу қизиқиш натижасида жуда кўплаб географик кашфиётлар юзага чиққанига тарих гувоҳ. Даврлар ўтиб ўша жаҳонгашталик асосида алоҳида соҳа пайдо бўлди ва ривож топди. Бугун биз уни туризм деб атаймиз.

«Википедиа» электрон манбасида, туризм (французча *tour* — сайр, саёҳат)га доимий яшаш жойидан 24 соатдан 6 ойгача бўлган муддат (баъзи манбаларда 1 йилга) бошқа мамлакатга ёки жойга ҳақ тўланмайдиган фаолият юзасидан саёҳатга жўнаб кетиш, дея таъриф берилди. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида келтирилишича, туризмнинг тарихи XIX асрнинг бошларига бориб тақалар экан. Манбада ёзилишича, бу Англиядан Францияга илк мартаба сайёҳлик тадбири уюштирилгани билан боғлиқ. Туризмнинг асосчиси сифатида инглиз сайёҳи Томас Кук эътироф этилади.

Аслида туризм соҳаси узок тарихга эга. Франциялик мутахассис Франсуа Плас «Буюк сайёҳлар» китобида бунга баътафсил изоҳ беради. Асарда илк бора ўзга ўлкаларга йўл олган сайёҳлар, шу қатори, тадқиқотчилик фаолияти, ёзиб қолдирилган эсдаликлар ҳақида гап боради. Эраимиздан аввалги 484—425 йилларда яшаган «тарих отаси» Херодот ҳам қатор юртларда бўлганини ёзиб қолдирган. Шунингдек, у ўша ўлкаларда ўзи кўрган ажойиб халқлар ва уларнинг турмуш тарзи ҳақида қизиқарли маълумотлар қолдирган. Биргина мисол: эсдаликларида Херодот Бобил деворини шундай таърифлаган: «Дунёдаги бошқа кўрган шаҳарларимнинг деворларини уники билан солиштириб бўлмайдиган даражада басавлат эди». Мазкур асар тарихий маълумотларга бойлиги ва унда ўша давр халқларининг турмуш тарзининг ўзига хосликлари кенг ёритиб берилгани боис, у бугун тарих фани бўйича жуда қизиқарли манба вазифасини ўтамоқда. «Буюк сайёҳлар» китобида Искандар Мақдуний ва унинг аскарлари ҳам ўтмишнинг донгдор сайёҳлари қаторига киритилади. Боиси, улар Ҳинд океани соҳилларига бора экан.

Бундан ташқари, хитойлик сайёҳ Сюань Цзан Ҳиндистонга саёҳат қилиб, у ердан муқаддас ёзувларни келтириш орқали ўша даврдаги ўзаро маданий алоқаларга асос солган. Араб географи Муҳаммад ал-Идрисийнинг Европа ва Кичик Осиёга қилган саёҳати ҳам география фани ривожига улкан ҳисса қўшгани аниқ. Чунки айнан шу олим географик атласнинг илк яратувчиларидан бири ҳисобланади.

Бугун кўпчилик Марко Полони (1254—1324) буюк сайёҳ

сифатида эътироф этади. Аммо туризм нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, италян савдогарининг Хитойга уюштирган саёҳати туристик мазмунга эга эканини қатъий таъкидлаш биров қийинчилик тугдирди. Чунки у 20 йилдан


ДУНЁ ҚАЛЪЛАРДА КАШФ ЭТИЛАДИ

ортиқ муддат давомида Хитойда яшайди ва «Ажойиботлар ҳақида китоб» асарини ёзади.

Илк сайёҳлардан бири Ибн Баттута ҳам жуда кўп мамлакатларда бўлган. Жумладан, Кичик Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Молдова, Цейлон, Суматра ороллари, Хитой каби юртларга ташриф буюрган. Албатта, уларнинг саёҳат қилиши учун бир йил етарли бўлмас эди. Боз устига, ўша даврларда асосан туяларда саёҳатга чиқиларди. Сайёҳларнинг янги ерлар, қишлоқлар очирилишидаги хизматини алоҳида таърифлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Чунки айнан саёҳатчилар янги илмлар, маданиятлар, урф-одатлар, табиатнинг бир-бирига ўхшамаган намуналарининг дунё бўйлаб тарқалишига хизмат қилгани бугун ҳаммага маълум. Айниқса, янги кашф этилган ҳудудлар ва қишлоқлар сайёҳларда энг катта қизиқиш уйғотган. Бир мисол: Христофор Колумб томонидан Америка қитъасининг кашф қилинишидан кейинги даврда унинг кетидан жуда кўп сайёҳлар янги ўлкаларни очиш ва забт этишга бел боғлаган. Масалан, Эльдorado афсонавий юртини қиди-

риб европаликлардан биринчи бўлиб йўлга отланган Франсиско де Орельяна (1511—1546) Амазонка дарёсининг қуйилиш жойига боради. Испан сайёҳи Васко Нуньес де Бальбао қишлоқни кесиб ўтиб, «Буюк жанубий денгиз» яъни, Тинч океанини кашф қилади, унинг соҳилларига европаликлардан биринчи бўлиб қадам босади. Таниқли сайёҳлардан бири Эрнан Кортес Мексикага ташриф буюрган дастлабки кўҳна қишлоқ жаҳонгашталаридан бири бўлган. (turizm.ru сайти).

Таъкидлаш жоизки, Африка қишлоқлари ҳам европалик ва осийлик сайёҳларда азал-азалдан катта қизиқиш уйғотиб келган. Тўғри-да, ахир мозий афсоналарида «Қора қишлоқ» дуру олмослар макони, минглаб олтин конлари, Ер юзидagi бошқа бирон ҳудудда учрамайдиган ўзига хос ҳайвонот ва наботот олами ватани сифатида таърифланган. Қишлоқ маркази-



Bilasizmi?

боришнинг ҳам уддасидан чиқди. «Саёҳат» болалар энциклопедиясида келтирилишича, 1909 йили Роберт Эдвин Пир Шимолий кутбни кашф этган географлардан бири сифати-

қанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадим шаҳарларимиз доимо сайёҳлар билан гажумлигидан кўз қувонади. «Дунёнинг 100та энг чиройли шаҳри» китобига эса Самарқанд шаҳрининг киритилгани, Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Бибиноним масжиди каби диққатга сазовор жойлар ҳақида сўз боргани кўнгилни гурурга тўлдирди. Қиш пайтида Чимён тоғлари туристларнинг сеvimли масканига айланмоқда. Мамлакатимиз тарихини ўрганиш учун ташриф буюрувчилар эса Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасидаги тарихий обидаларни томоша қилади. Биргина Хоразм вилоятида 300дан ортиқ тарихий ёдгорликларнинг борлиги сайёҳларни тобора мафтун этаётгани ҳақиқат.

да тарих зарварақларидан ўрин эгаллади. Бир неча йиллардан сўнг, аниқроғи, 1911-1912 йилларда эса саёҳатчилар Скотт ва Амудсен илк бора Жанубий кутбга қадам қўйди.

Бугун ҳам диққатга сазовор турли масканларда сайёҳ (турист)ларга кўзимиз тушади. Улар ўз қизиқишига қараб саёҳат манзилларини танлайди. Масалан, замонавий шаҳарда тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлишни хоҳловчилар Эквадорнинг пойтахти Кито шаҳрига келади. Бу ерда туристларга баланд бинолар тепасидан тоғларнинг боқиб тургани ўзгача завқ бағишлайди. Ўтмиш замонга сайр қилиш ва ҳайбатли эҳромлар сирини билиш истагида бўлганлар «Шарқнинг Фарби» номи билан Мисрга, аниқроғи, Қоҳирага ташриф буюриши лозим. Негаки, шаҳар эҳромларга энг яқин жой ҳисобланади. Баъзида сайёҳлар биргина санъат намунаси, биргина обидани кўриш учун не-не машаққатли йўллари босиб ўтади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам туризм ривожланиб бораётган соҳалар сирасига киради. Айни кунда узок тарихга эга Самар-

қанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадим шаҳарларимиз доимо сайёҳлар билан гажумлигидан кўз қувонади. «Дунёнинг 100та энг чиройли шаҳри» китобига эса Самарқанд шаҳрининг киритилгани, Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Бибиноним масжиди каби диққатга сазовор жойлар ҳақида сўз боргани кўнгилни гурурга тўлдирди. Қиш пайтида Чимён тоғлари туристларнинг сеvimли масканига айланмоқда. Мамлакатимиз тарихини ўрганиш учун ташриф буюрувчилар эса Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасидаги тарихий обидаларни томоша қилади. Биргина Хоразм вилоятида 300дан ортиқ тарихий ёдгорликларнинг борлиги сайёҳларни тобора мафтун этаётгани ҳақиқат.

Бугун инсоннинг саёҳат чегараси янада кенгайиб кетаётгандай, гўё. Чунки инсон Ер юзини томоша қилиб бўлгандан кейин денгиз тубига, самога саёҳат қилишни ҳам хоҳламоқда. Ҳозирда дунёнинг етакчи сайёҳлик компаниялари сайёҳларни Ойга ёки сувости маконларига саёҳат қилишга чақирмоқда.

Сўзимиз якунида шунга айтиш мумкинки, инсон бутун умр атроф-олами билишга интилаверади. Гарчи бугун Ернинг кашф этилмаган нуқтаси деярли қолмаган бўлса-да, биз учун бошқа ўлкалар, уларнинг нотаниш табиати, ўзга халқлар яшаш тарзи доим қизиқарли бўлиб қолаверади. Бинобарин, ҳар бир маконни ҳар бир қалб ўзича қайтадан кашф этади.

Санобар ЖУМАНОВА
тайёрлади.

ЧИҚИНДИЛАР «ОРОЛИ» ҚАЕРГА ЙЎҚОЛМОҚДА?

Тинч ва Атлантика океанида улкан чиқиндилар маълум жойларга тўпланиб «орол»ни ҳосил қилаётгани бир қанча муддатдан бери эколог олимларни ташвишга солаётган эди. Лекин сўнгги кузатувлар эндиликда Атлантикада ушбу чиқинди уюмларининг ўз-ўзидан қаергадир ғойиб бўлаётганини кўрсатди. Шунга қарамай, мутахассислар қувонишга ҳали эрта дейишмоқда: сабаби, ҳозирча чиқиндиларнинг қаерга йўқолаётгани маълум эмас. Бу ҳақида «Сайнснау» манбасида эълон қилинди.

Умуман олганда, оқим туфайли сув юзасида тўпланган чиқиндиларни Тинч океанида юзлаб километрга чўзилган ҳудудда учратиш мумкин. Улар бир жойга йиғилиб қолиб, кемалар ҳаракатига халал бераётганди. Балиқлар ва бошқа сув жонотлари ҳам мазкур ҳудуддан узокроққа кетаётганини текширувлар кўрсатган. Чиқинди уюмининг аниқ ҳажми маълум эмас, баъзи мутахассислар уни Техас штати, қолганлар эса бутун АҚШ ҳудудига тенг, дея баҳолашмоқда. Худди шундай ҳолат Атлантика океанида ҳам кузатилмоқда. Бу ерда оқимларнинг айла-

ниши оқибатида катта миқдордаги пластик чиқиндилар тўпланиб, маълумотларга қараганда, унинг ҳажми АҚШнинг 2/3 қуруқлик қисмига тенг келар экан.

Яқинда океанограф олимлар Шимолий Атлантика ҳудудида тадқиқотлар ўтказиб, қутилмаган хулосага келишди. Маълум бўлишича, йилдан-йилга ишлаб чиқариш ва санаот соҳасида маҳсулотлар ҳажми ортаётганига қарамай, пластик ҳосилалар уюми охириги 20 йил ичида деярли катталашмаган. Шундан сўнг олимлар иккита тахминни илгари суришди: ё пластик чиқиндилар қуруқликда тўпланмоқда, ёки улар океanning текширилмаган ҳудудларига оқим билан «кўчган».

Пластик чиқиндилар ҳажми сезиларли даражада ортаётгани аниқ бўлса-да, мутахассислар бу борада амалга оширилаётган ишларни тўхтатганича йўқ. Маълумот ўрнида таъкидлаш зарурки, Шимолий Атлантика ҳудуди, Тинч океани ва Кариб денгизидagi чиқиндиларни тўплаш ишларини олимлар 1986 йилдаёқ бошлаб юборишган. Жараёнда тадқиқотчилик кемасидан 2 метрли маҳсус катакчаларга эга

тўр ташланади ва унинг ёрдамида майда чиқиндилар ҳам йиғиб олинади. Бу йўналишда фаолият олиб бораётган халқаро олимлар гуруҳи вакиллари Николай Максименко ва Кара Ло 22 йил давомидаги ишларни ўрганиш натижасида соҳилбўйи ҳудудларида эмас, балки қирғоқдан юзлаб километр узокликда чиқиндиларнинг кўпроқ учрашини аниқладилар. Уларнинг сўзларига қараганда, айниқса 22 ва 38-даражадаги кенгликларда пластик уюмларни тез-тез учратиш мумкин.

Шу билан бирга, уларнинг кимёвий таҳлили чиқиндилар асосан полиэтилен ва полипропилен, яъни пластик халта ва қадоқлаш материаллари эканини кўрсатди.

Атлантика океани оқими чиқиндиларни қаерга олиб кетаётганини аниқлаш мақсадида мутахассислар сувга маҳсус кузатиш ускуналарини тушириб, уларнинг кўчиб юриш ҳаракати ўрганилмоқда. Изланишлардан бу ҳудуд ҳам Тинч океани каби субтропик айланма оқимлар билан ўзаро боғлиқ экани маълум бўлди. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда шамоллар

Sharh


туфайли сув оқимлари нисбатан тинч марказий ҳудуд — чиқиндилар ороли атрофида ҳаракатланади. Аммо йиллар давомида ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсаётган бўлса-да, шунча давр мобайнида «пластик орол» сув сатҳида бир маромда ҳажман деярли ўзгармаган ҳолда сақланиб қолган.

Ҳозир Атлантика океани ҳудудида бу турдаги чиқиндиларнинг кўпаймаётганига бир сабаб қилиб 1988 йилда АҚШда фойдаланишга яроқсиз пластик қолдиқларини сувга чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги маҳсус қонуннинг қабул қилингани кўрсатиляпти. Бундан ташқари, ушбу чиқиндилар вақт ўтгани сари сув ўтлари билан қопланиб, сув остига чўкиб кетаётган ёки денгиз балиқлари ва ҳайвонлар озукасига айланаётган бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси ҳозирча тахмин холос. Мазкур тахминларнинг қай бири ҳақиқат эканига океанографлар тез орада ойдинлик киритиш ниятида.

Наргиза ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОННИНГ ЯНГИ ВАЗИФАСИ

Кардиологик касалликлар аниқланган беморларга ҳаяжонланиш мумкин эмаслиги боис бугун даволашда уларнинг кўкрак қафасига махсус ускуна — дефибриллятор имплантация қилинади. Бунда агар бемор қаттиқ ҳаяжонга тушса, ускуна кичик микдорда электр токини юборади ва тезлашган юрак урушини секинлаштиради. Лекин шу кунларда Симсиз технологиялар ёрдамида соғлиқни сақлаш масалаларига бағишланган Конференцияда ўзига хос янги технологик ускуна тақдим этилди. Бунинг натижаси ўларок, эндиликда дефибрилляторга эҳтиёж сезилмайди, деб ёзади «Нью Сайентист».



Голландиянинг «ИМЕК» тадқиқотчилик компанияси томонидан ишлаб чиқилган ускуна «Хьюман++» («Human++») номи билан юритилади. Аҳамиятлиси, ушбу электр кardiографик сезувчан мосламани беморнинг мобил телефонига жойлаштириш мумкин. Унинг ёрдамида инсон организмнинг физиологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар телефонга қабул қилинади. Сўнгра уяли алоқа воситасидан уларни уч ўлчамли Вай-фай (Wi-Fi/3G) орқали беморни даволовчи шифокорга ҳам жўнатиш имкони бўлади.

Айни пайтда маълумотлар телефон экранда кўришиб, хавф ҳақида огоҳлантирувчи овозли сигнал ишга тушади.

Лойиҳанинг етакчи мутахассисларидан бири Жюлен Пендерс ускуна тиббиётда қўлланиладиган бошқа сезувчан мосламалар — энцефалограф (асаб тизимини ташхис қилувчи) ва миограф (асаб-мушкул касалликларини аниқловчи) билан бирга ҳам ишлатилиши мумкин. Шу йўл билан сурункали беморлар қаторида касалликка чалиниш хавфи баланд инсонлар соғлиғини ҳам мунтазам назорат қилишга имкон туғилади.

АРИПАР КУШАНДАСИ АНИҚЛАНДИ

Океанортилик энтомолог олимлар айни кунгача жумбоқ бўлиб келаётган бир ҳолатга ойдинлик киритишга муваффақ бўлди. Бошқача айтганда, дунёнинг қатор мамлакатларида минглаб асалариларнинг қирилиб кетиши сабаби аниқланди. «ПлоС Ван» журналида мавзуга бағишланган мақола чоп этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳашаротларнинг нобуд бўлиши чиндан ҳам жиддий, эътиборталаб муаммолардан бирига айланиб улгурганди. Охириги маълумотларга кўра, биргина АҚШда 2006 йилдан шу пайтгача асалари тўдаларининг 20-40 фоизи қирилиб кетган. Қолаверса, асалариларни кўпайтириш оммалашган Буюк Британия ва қатор Европа мамлакатларида ҳашаротларнинг нобуд бўлиши даражаси жуда баланд экани қайд этилди. Мазкур ҳолат сабаби сифатида кўплаб тахминлар ўртага ташланган бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳам амалда ўз тасдиғини топма-



ганди. Фақат сўнги изланишлар пайтида минглаб ҳашаротларнинг қисқа фурсат ичида нобуд бўлишига бир пайтда кузатиладиган замбуруғ ва вирус сабаб экани маълум бўлди.

Тадқиқотларда Монтана университети ва Эжвуд биокимёвий марказ илмий ходимлари иштирок этди. Улар нобуд бўлган асалариларни ўрганиб, яқунда замбуруғ ва вируснинг ўзаро таъсири туфайли ҳашаротлар қирилишини аниқлашди. Эътиборлиси, агар замбуруғ ва вирус алоҳида-алоҳида ҳолда ҳашарот организмидан кузатилса, улар асаларини нобуд қилмаслиги ҳам маълум бўлди.

— Ҳозирча замбуруғ ва вирус бирикмаси қай тарзда ҳашаротларни нобуд қилиши номаълум, — деди тадқиқотчилар раҳбари Жерри Броменшенк. — Лекин кузатувлар ҳар иккиси ҳам ҳашарот ичакларида совуқ ва нам ҳаво таъсирида кўпайишини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, мазкур ҳолат асалариларнинг озикланиши билан боғлиқ экани тахмин қилинмоқда.

Тадқиқотлар ҳали яқунга етганича йўқ. Негаки, олимлар асалариларни қандай қилиб бу эпидемиядан сақлаш борасида бош қотирмоқда. Шунингдек, жараёнда иссиқ об-ҳаво, совуқ ҳарорат, қурғоқчилик ва бошқа шу каби омилларнинг ўрни ҳам аниқланиши талаб этилади.

«ҚУРИҚХОНА МАҚОМИ БЕРИЛИШИ ЗАРУР»

Исроил давлатидаги соҳилбўйи ҳудудларда чуқур сувости кораллари (маржон қоялари) бор жой топилди. Мутахассисларнинг айтишича, бу чиндан ҳам қутилмаган топилма, боиси шу пайтга қадар ҳудуд сувости ҳаёти учун номақбул, дея таърифланар эди. Бу ҳақида «Лайф Сайнс» нашрида эълон қилинди.

Ноодатий топилмани «Наутилус» тадқиқотчилик кemasида изланишлар олиб бораётган Хайфа университети ва океанортилик олимлар гуруҳи аниқлашга муваффақ бўлган. Уларнинг маълум қилишича, бир неча километрга чўзилган маржон қоялар ҳудуди 700 километр чуқурликда жойлашган.

— Коралл қояларини аниқлаш жуда катта илмий аҳамиятга эга, — дея изоҳ берди гуруҳ раҳбари Исҳок Маковски. — Улар ёрдамида олимлар чуқур сувости экотизимлари шароитида организмларнинг ҳаёт кечирishi ва уларнинг глобал исиш жараёнида қандай ўзгариб боришини ўрганишга имкон туғилади.

Мутахассиснинг маълум қилишича, ҳозирда изланишлар давом этмоқда. Маржон қоялари билан биргаликда улар яна иккита кема қолдиқларини топишган. Тадқиқотчилар бу сўнги бир неча ўн йил олдин чўкиб кет-

ган замонавий кемалар, дея тахмин қилмоқда. Қолаверса, илк маротаба маълум турдаги балиқ ва қисқичбақаларнинг ўз табиий яшаш муҳитида суратга олишнинг уддасидан чиқилди.

Топилмалар тадқиқотчиларни янада кенгрок доирада изланишлар олиб боришга ундамоқда. Мутахассислар уларга таянган ҳолда бутун дунёдаги бошқа маржон қоялари аниқланган жойлар каби мазкур ҳудудга ҳам чуқур сувости кўриқхонаси мақомини бериш зарурлигини таъкидлашяпти.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва Қахрамон ИСРАНОВ тайёрлади.

Танловга таклиф

Халқ таълими вазирлиги 2011-2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 4-, 5-, 8-, 9-синфлари учун янгидан яратиладиган дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш мақсадида муаллифлар таркибини танлаб олиш учун

ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги дарслик ва ўқув-методик комплекслар танлов бўйича ўтказилади:

Т/р	Фан номи	Синфи	Нашр этиш тили
1	Русский язык	4	Таълим ўзбек ва қардош тиллар учун
2	Тасвирий санъат	4	Таълим барча тиллар учун
3	Русский язык	5	Таълим ўзбек ва қардош тиллар учун
4	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	8	Таълим барча тиллар учун
5	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	9	Таълим барча тиллар учун

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.

Танловда таълим муассасалари учун ўқув адабиётларни яратиш тажрибасига ҳамда ушбу фан йўналиши бўйича тегишли олий маълумотга эга бўлган жисмоний шахслар, кадрлар салоҳиятига эга илмий ва ўқув ташкилотлари қатнашиши мумкин. Танловда қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар, яъни олимлар, методистлар, ўқитувчилар ва ташкилотлар тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган қатнашчилар танлов асосида янги яратилиши зарур бўлган дарслик ва ўқув-методик комплекслар концепцияси (0,5 босма табоқча), ўқув адабиётларнинг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма табоқча) ҳамда дарслик ва ўқув-методик қўлланманинг белгиланган битта бобининг намуна матнини Танлов комиссиясига 2010 йил 11 ноябрь куни Тошкент вақти билан соат 14:00 га қадар топшириши керак.

Иштирокчилар Танлов ҳужжатларини 2010 йилнинг 13 октябридан бошлаб ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 16:00 гача куйида кўрсатилган манзилдан олиши мумкин.

Танлов таклифлари 2010 йил 11 ноябрь соат 15:00 да барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади.

Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 90 кун ичида амалда бўлади.

Тошкент ш. Фурқат кўчаси, 174-уй, Республика таълим маркази.

Алоқа учун телефонлар: 227-04-12; 245-18-50.

ЭЪЛОН

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 184-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман тасарруфидаги мактабларда овқатланиш шарт-шароитини яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга корхоналар ўртасида мактаб ошхоналарига хизмат кўрсатиш бўйича тендер танловлари ўтказилишини маълум қилади.

Талабгорлар Юнусобод ТХТБга мурожаат этишлари мумкин.
Юнусобод тумани, 13-қарвал,
телефон: 224-95-17.

ЭЪЛОН

ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини 1965 йилда тугатганларнинг 2010 йил 23 октябрда учрашуви бўлади (Жуманиёз Ниёзметов гуруҳи).

Йиғиладиган жой: Ҳамза театри биноси олдида эрталаб соат 10.00

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, Бирлашган касаба уюшмаси, Табиий фанлар факультети «Кимё ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди

Ғофуржон УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази жамоаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш бўлими бошлиғи Мавлуда Нишоновага падари бузруквори

МАМАСОДИҚ ота ва опаси МАҲБУБАХОН НИШОНОВАнинг
 вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2008 йилнинг 22 октябридан Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуни кучга кирди. Ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти, суғурталаш тартиби ва шартлари, умуман, суғурта, унинг ҳаётимиздаги аҳамияти ва афзалликлари хусусида кўпчилик қизиқиши табиий.

Авалло, кишида суғурта ўзи нима, деган савол туғилади. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида ушбу истилоҳ «Табиий офатлар, ҳар хил бахтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва бошқа пул қопламалари тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими», дея изоҳланади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида суғурта фуқароларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи восита бўлган.

Юқорида айтиб ўтганимиз, республикамызда амалга кирган автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш суғурталовчи томонидан жабр кўрган шахсларнинг зарарини бевосита қоплашни назарда тутди.

Кўпинча ҳайдовчиларимиз суғурта ҳужжатларини тўғрилагандан кейин йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганда зарар қопланадиган пайтда қуйидагича савол беришади: "Менинг машинам урилган-ку, ким унинг ҳақини тўлайди?" ёки "Суғурта пули миқдорини

аниқлаш қай тартибда амалга оширилади?"


Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни ишончли ҳимоялаш мақсади мужассам бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қароридан транспорт воситалари

ган шахснинг ҳайдовчилик стажи, ёши ва суғурта қилиш муддатлари эътиборга олинади.

"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми манфаатлари ҳам ҳисобга олинган. Мисол учун 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиси ёхуд уларга тенглаштирилган шахслар, фронт ортида меҳнат қилганлар, Чернобил ҳалокати оқибат-

мижозларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига келтирилган зарарни тўлаш, қоплаш кафолати тамойилларига асосланади.

— "ALFA INVEST" ёпиқ акциядорлик суғурта компаниясининг республика бўйлаб етарли даражада тармоқлашган тизими, ходимларнинг малакали хизмати, шунингдек, ассистанс хизматининг мавжудлиги ва ишончли ахборотларни етказиб бериш мазкур қонун-

Huquqiy savodxonlik 

«ТРАНСПОРТ СУГУРТАСИ»

тартибли ҳайдовчи манфаати ҳимояда

эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари қийматига тенг қилиб белгиланди. Ушбу мажбурий суғурта йўл транспорт ҳодисасини содир этган суғурта полисига эга шахснинг молиявий ҳолатидан қатъи назар, етказилган зарарни қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсациялаш ва суғурта тўловини амалга ошириш имконини беради.

Суғурта маблағи суғурта тарифларига асосан ишлаб чиқилиб, бунда транспорт воситасининг тури, ундан кўп фойдаланиладиган ҳудуд, фойдаланиш даври, суғурта полисига кўрсатил-

тида жабрланганлар, пенсионерлар ва ногиронларга ушбу мажбурий суғурта бўйича 50 фоиз миқдорда энгиллик берилган. Яъни, улар суғурталаш учун тегишли тариф бўйича белгиланган сумманинг ярмини тўлаб суғурта полисини оладилар.

"ALFA INVEST" ёпиқ акциядорлик суғурта компанияси юқоридаги қонун ва қарорга мувофиқ бозор талаблари ва ҳамкорлар билан ишлашнинг халқаро тамойилларига таяниб, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш соҳасида фаол иш олиб бормоқда.

Мажбурий суғурталаш умумийлик, мажбурийлик ва

ни ҳаётга татбиқ этиш учун яхши имконият яратди, — дейди компаниянинг Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш департаменти директори Елена Азизова. — Суғурта ташкилотимиз 2010 йилнинг 3 квартали давомида 9745 нафар юридик шахслар билан шартнома имзолади, жисмоний шахслардан эса 101626 та ариза келиб тушди. Бу эса ушбу мижозлар билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ҳолатда компаниямиз шартномага мувофиқ зарарни қоплаш маъсулиятини ўз зиммасига олади, дегани. Натижада 2010 йилнинг ярим йиллиги ҳисобларига кўра зарарларни қоплаш учун кетган маб-

лағ 593 млн. 106 минг 86 (593 106 086) сўмни ташкил этди.

Юқорида қўйилган саволларга жавоб тариқасида автотранспорт воситалари эгаларига айтиб ўтаманки, суғуртани амалга ошираётганингизда тақдим этилаётган қоида ва шартларни диққат билан ўрганиб чиқинг. Яна шуни унутмаслик зарурки, ушбу суғурта тўғрисидаги қонун шахс ёки предметни эмас, балки мажбуриятни, яъни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга қаратилган.

Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта пулининг 35 фоизгача, ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, шунингдек, ўлим ҳолати содир бўлганда суғурта пулининг 65 фоизгача маблағ тўланади. Ҳақиқатда кўрилган зарар суғурта пули миқдоридан ошиб кетса, жабр кўрган шахс суғурта билан қопланмайдиган зарарни ҳодиса сабабчисидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Хуллас, юқоридаги қонун ва қарорнинг қабул қилиниши ва унинг амалдаги ижроси йўл ҳаракати билан боғлиқ транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, манфаатларини ҳимоялашда қўл келиши шубҳасиз.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 2011 йил учун докторантура ва аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Докторантурага 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи
13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (фан соҳалари ва таълим босқичлари бўйича)

Аспирантурага 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи
13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (фан соҳалари ва таълим босқичлари бўйича)

Докторантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли фан номзодлари, аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий маълумотли мутуҳассис дипломига ёки магистр даражасига эга бўлган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намоён эта оладиган шахслар мутахассислар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг олий ўқув юрти тавсияси билан аспирантурага кириш учун бўладиган танловга қўйиладилар.

1. Ариза.
2. Шахсий варақа ва таржимаи ҳол.
3. Иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун).
4. Чоп этилган илмий ишлар ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса).

Илмий ишлари эълон қилинмаган ва ихтиролари бўлмаган шахслар танлаган ихтисослиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этадилар. Илмий маърузага соҳа бўйича мутахассис - олим тақризи илова қилиниши лозим.

5. Аспирантурага бевосита ОТМни тугатгандан кейин ҳужжат топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиантлари, имтиёзли диплом эгалари, ОТМ Илмий кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун ОТМ Илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма.

6. Олий таълимнинг барча босқичларини ўтганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси.
7. Номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса).
8. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун).
9. Тиббий маълумотнома (086-шакл).
10. 4x6 ўлчамдаги 4 дونا фотосурат.
11. Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.

Докторантлар учун қўшимча

1. Олий маълумот, фан номзоди илмий даражаси дипломи ва доцент (катта илмий ходим) илмий унвони аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса).
2. Тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 15 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 100027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 98-уй. ЎзПФИТИ. Телефон: 140-02-27

Хабарингиз бор, пойтахтимизда таэквондо бўйича V жаҳон чемпионати ўтказилди ва голиблик номи аниқланди. Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) таснифига киритилган бош мусобақада олтишга яқин давлатдан 450 нафардан зиёд шарқона яккакураш усталари ўзаро баҳслашди.

МУНОСИБ МЕЗБОНЛИК МАҲСУЛИ

Унда "пумсе" комплекс машқларни баъжариш бўйича ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий мусобақалар ўтказилди.

Taekvondo

Дергач дуэти ҳам иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Александр Лим, Михаил Афиногенов ва Александр Ни жамоавий "пумсе" бўйича бронза медал билан тақдирланишди. Ўн олти ёшли Зафар Сатторов ўсмирлар ўртасидаги мусобақада 3-ўринни олди.

Эслатиб ўтамиз, таэквондо "пумсе" бўйича жаҳон чемпионати 2006 йилдан буён мунтазам тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу йилги биринчиликда Ватанимиз шарафини 21 нафар тажрибали таэквондочиларимиздан иборат жамоа ҳимоя қилди.

Алла Таранова фахрийлар ўртасидаги яккалик беллашувларида кумуш медал билан тақдирланди. Катталар ўртасидаги жуфтликлар баҳсида Александр Ли ва Ирина

Шундай қилиб, Тошкент шахри мезбонлик қилган навбатдаги нуфузли турнир ҳам ўз якунига етди. Унинг юқори савияда ўтганини биринчи навбатда бевоқиф спортчилар ҳамда Бутунжаҳон таэквондо федерацияси раҳбари ва бошқа халқаро ташкилотлар мутасаддилари бир овоздан эътироф этишди.

СТАРТДАГИ ПЕШҚАДАМЛИК

Диёримиз яқинда теннис бўйича тобора нуфузли халқаро турнирлардан бирига айланиб бораётган аёллар ўртасидаги "Тошкент Опен"га мезбонлик қилганди. Қуни кеча Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабидаги кортларда Профессинал теннисчилар уюшмаси (АТР) таснифига киратилган эркаклар ўртасидаги "Тошкент Челленжер-2010" ҳам бошланди.

Юртимизда учинчи бор ташкиллаштирилган ушбу турнирда

Tennis

Лойда (Чехия) 6:3, 6:4, Александр Пея (Австрия)—Майкл Ламмер (Швейцария) 6:4, 6:3, Гилл Мюллер (Люксембург)—Андрей Кузнецов (Россия) 7:6, 7:5, Райнер Шуттлер (Германия)—Марек Семан (Словакия) 6:1, 6:4.

Хамюртларимиз орасида биринчи бўлиб кортта чиққан Мурод Иноятлов словакиялик Андрей Мартинни икки сет натижасига кўра 7:6, 6:4 ҳисобида енгди. Бу қолган вақтларимизга ўзига хос руҳ ва қатъият бағишлаган бўлса, ажабмас.

Биринчи давранинг қолган яккалик учрашувлари натижалари қуйидагича кўриши олдди: Андреас Хайдер-Маурер (Австрия)—Дусан

Жуфтлик беллашувларида эса филиппинлик Конрад Трент Хей ва британиялик Доминик Инглот австралиялик Рамиз Жунайд ва германиялик Франк Мозерни 7:5, 6:3 ҳисобида мағлуб этди. Австриялик теннисчилар: Александр Пея ва Николас Мозер швейцариялик Майкл Ламмер ва хорватиялик Франко Скугорни 6:4, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шохрух СОБИТОВ, ЎзДЖТУ талабаси



ЖОКОВИЧНИНГ ИШОНЧЛИ ЮТУҒИ

Пекинда ўтказилаётган ютуқ жамғармаси 2,1 миллион долларни ташкил этувчи турнирда сербиялик теннисчи Новак Жокевич голибликни қўлга киритди.



Ноқулай об-ҳаво шароити тўғайли яқшанбадан душунба кунга кўчирилган матчда турнирнинг биринчи ракеткачиси Жокевич испаниялик теннисчи Давид Феррер устидан зафар кучди. 1 соату 24 дақиқа давом этган матч 6:2, 6:4 ҳисоби билан якунланди.

Новак учун Пекин биринчилигидаги мазкур ютуқ мавсум мобайнидаги иккинчи муваффақияти саналади. Бундан аввал у Дубайда ўтказилган турнирда галаба қозонганди.

3 КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Италияда ўтган волейбол бўйича эркаклар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси голиблик шохсупасига кўтарилди.

Финалда "сарик девлар" кубалик волейболчиларга қарши майдонга тушди. Унда Жанубий америкаликлар 3:0 (25:22, 25:14, 25:22) ҳисоби билан устунликка эришиб, қаторасига 3-мarta жаҳон чемпиони деган юксак эътирофга муваффақ бўлди.




Дастлабки икки сетдаёқ вазиятни ўз фойдасига ҳал қилиб ултарган бразилияликлар сўнги учинчи сетда кубалик рақибларига гўёки мастер-класс машғулотларини ўтди.

Бронза медал учин кенган гога қизиқарли ва мурасасиз баҳда мезбонлар Россия терма жамоасига қарши муносиб ўйин кўрсатишолмади. Шу тариқа, кучли учликни якунлаш русларга насиб этди.

ФЕТТЕЛ — ЯПОНИЯДА БИРИНЧИ

"Ред Булл" жамоаси пойгачиси Себастьян Феттел Япония Гран-приси голиби бўлди. Фаворитлар қаторига киритилаётган «Рено» жамоаси бошқарувчиси россиялик Виталий Петров эса биринчи дақиқалардаёқ автохалокатга учраб, сафдан чиқишга мажбур бўлди.



Феттел белгиланган масофани 1 соату 30 дақиқа, 27 сонияда босиб ўтган бўлса, иккинчи ўринни эгаллаган Уэббер 1 соату 33 дақиқада маззилга етиб келди. Кучли учликни якунлаш шарафи Фернандо Алонсога насиб этди.

Умумий рейтингда карбонбошилиқ қилаётган австралиялик Уэббернинг ҳисобида 220 очко маъжуд. Умумий рейтингнинг иккинчи погонасидан ўрин олган Алонсо ва Феттел ҳисобида эса бир хил 206 очко бор.

"Макларен" жамоаси чемпионат тугашига унга босқин қолганда чемпионлик унвони учун жиддий киришишини маълум қилмоқда. Бунга «Формула-1»нинг 22-24 октябрь кунлари Жанубий Корейда ўтадиган навбатдаги мусобақасида аниқлик киритамиз.

Ш.ЖҲРАЕВА тайёрлади.

ЖҲ ЙЎЛЛАНМАСИ БОЙ БЕРИЛДИ

Osiyo chempionati

Келаси йил Жанубий Америка қитъаси мезбонлик қилиши режалаштирилган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Осиедан тўрт терма жамоа йўлланма олди. Бу номзодлар Хитойда кечган 19 ёшли футболчилар ўртасидаги қитъамиз биринчилигида аниқланди. Уларнинг орасида Марат Кабаев шогирдлари ҳам бўлиши мумкин эди, ammo бунга Саудия Арабистони ёшлар терма жамоаси йўл қўйишмади.

Мухташам «Зибо» ўйингоҳи. 5200 томошабин қаршида эронлик ҳакам Муҳсин Туркийнинг хуштаги чалинди ва навбатдаги чорак финал учрашуви старт олди.

Гуруҳ босқичидаги ўйинларда очко йўқотиш тугул, ўз дарвозасидан гол ўтказиб юбормаган жамоамиздан мухлислар ярим финал ва энг муҳими, жаҳон чемпионати йўлланмасини тақдим этувчи масъулиятли баҳсда ҳужумкор ўйин кутишганди. Зеро, бунга ёшларимизнинг имконияти ҳам, қобилияти ҳам етарлича деган ўйда юргандик. Бироқ бош мурабий асосий терма жамоамизнинг азалий рақибларидан бўлмиш Саудия Арабистонига қарши таваққал қилиб бўлмаслигини, аксинча, қарши ҳужумлар тактикасига таяниб, пировардида вазиятни ўз фойдасига ҳал қилишни афзал кўрди.

Ироқ билан бўлган матчда қатнашмаган асосий таркибнинг айрим ўйинчилари саудиялик футболчиларга қарши майдонга тушди, ўйинга тез мослашиб кетолмади. Уларнинг хатти-ҳаракатларидан бир ўйин кам ўтказганини пайқаш мумкин эди. Шунга қарамай, ҳисобни очиб бизнинг футболчиларга насиб этди: Абдумуталлиб Абдуллаев 7-дақиқадаёқ саудиялик дарвозабон кўриқлаётган "истеҳком" деворини ёриб ўтди — 1:0.

Бундан руҳланган футболчиларимиз кетма-кет ҳужумлар уюшти-

риши ва галабани мустаҳкамловчи голлар шодасини мухлисларга тақдим этишини жуда ҳам истагандик. Ҳатто шундай ҳужумлар ҳам кам бўлмади. Ammo аксарият ҳолларда олдинги чизикда ҳаракатланаётган ўйинчиларимизга омад ва тажриба етишмади. Асосий вақтнинг якунланишига беш дақиқадан сал кўпроқ фурсат қолганда, Абдуллоҳ Отайф мувозанатни тиклади.

Бу юртдошларимизнинг ярим финалга олиб борувчи йўли воқеалар ривожига кўра узайганини билдирди. Асосий вақт 1:1 ҳисобида якунига етгач, жамоалар кўшимча таймларда голибни аниқлашга киришди. Биринчи 15 дақиқаликнинг 5-дақиқасида Фаҳад ал-Жоҳаний ҳимоячиларимиз-

нинг кўпол хатосидан унумли фойдаланиб, учрашув "солнома"-сига якуний нуқтани қўйди — 2:1. Хуллас, муваффақиятсизликдан сўнг кимдир "мурабий тактикаси ўзини оқламади", "футболчиларимиз об-ҳавога мослашолмади" ёки "омад очикчасига юз ўғирди" сингари ваҳжларни бирма-бир санаши табиий. Сўнги хулосалардан бири шуки, ёшларимиз Чин ўлкасида муҳим синовда қатнашди, имкониятини, иқтидорини намойиш этди, астойдил интилса, ҳар қандай жамоани мағлуб этиш мумкин эканини исботлашди.

Ярим финал йўлланмаси учун баҳслашган қолган жамоалар учрашувларида кўйидаги натижалар қайд этилди: Хитой—КХДР 0:2, Япония—Жанубий Корея 2:3 ва Австралия—БАА 4:2. Шу зайдда келаси йили Колумбияда ўтадиган ёшлар ўртасидаги мундиалда КХДР, Жанубий Корея, Австралия ва Саудия Арабистони Осие қитъаси шарафини ҳимоя қилиши маълум бўлди.

Зоҳиджон ХОЛОВ

P/S. Дарвоқе, асосий миллий терма жамоамиз ҳам Жидда шаҳридаги Шаҳзода Абдул ал-Файсал стадионида айнан Саудия Арабистонининг асосий терма жамоасига қарши майдонга тушди. Бош мурабий Вадим Абрамов шогирдлари матчнинг 28-дақиқасидаёқ бири киши кам бўлиб ўйинни ниҳоялашга мажбур бўлди: рақиб ҳужумчисини кўполлик эвазига тўхтатган Шавкат Муллажонов майдондан четлаштирилди. Пенальтидан эса Муҳаммад Асри ҳисобни очди.

Юртдошларимиз ўйин тизгинини буткул бой бериб қўйишди. Саудияликлар қутилмаган кўшалоқ қувончдан руҳланиб, кетма-кет ҳужумлар уюштира бошлади. Кейин яна М.Асри, Тайсир ал-Жасим ва Солиҳ Башир бир маротабадан Игнатий Нестеровни доғда қолдирди. Ўйин якунланганини билдирувчи хуштак чалинганда таблода 4:0 ҳисоби кўринди. Футболчиларимиз қаторасига иккинчи маротаба Саудия Арабистонини енголмади, қаторасига иккинчи маротаба 4:0 ҳисобида ютқазилди. Бу асосий миллий терма жамоамиз ҳали янада кўпроқ ўз устида ишлаши зарурлигини кўрсатади.

ИККИ КУМУШ ВА БЕШТА БРОНЗА

Грузиянинг Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган самбо бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги 15-жаҳон чемпионатида 22та мамлакатдан 9та вазн юз нафарга яқин полламга чиқди. Унда йигирма нафарга яқинимиз муносиб ҳимоя қилишди.

Sambo

Қуни кеча умумҳисобда 6-ўринни баъд этган терма жамоамиз вакиллари Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда кутиб олинди. Спортчиларимиз 2та кумуш ва 5та бронза медалини қўлга киритди.

— Ушбу нуфузли турнирда қатнашганимдан ва фахрли ўринни эгаллаганимдан бахтиёрман, — деди 100+ килограмм вазнда кумуш медални қўлга киритган иқтидорли спортчимиз Шохрух Қўчқоров. — Мазкур муваффақият мени янги галабалар сари ундаши турган гап. Бунда устозларимнинг, ота-онам ва яқинларимнинг қўллаб-қувватлаши алоҳида қувват манбаи бўлиб хизмат қилади.



Хурматли Дилфуза ХУСАНОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Раҳбарлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

ТДТУ қошидаги Янгийўл академик лицейи ходимлари

Кадрли Жамолхон ҒОҒУРОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз. Сизнинг Фаргона вилояти таълим тизимида бир неча ўн йиллар давомида самарали ва шарафли ишингизни эътироф этамиз ва қадрлаймиз!

Сизга сихат-саломатлик, мустаҳкам ирода, баркамол авлодни тарбиялаш йулидаги машаққатли ишингизга улкан зафарлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

Ҳамиш шогирдларингиз ва фарзандларингиз камолини кўриш насиб этсин!

Дўстларингиз ва шогирдларингиз

РАҚСГА ТУШАР ФАВВОРАЛАР

Юртимизда кузнинг салқин кунлари ҳукм сураётганига қарамай фаввора атрофидан одамлар аримайди: кимдир фарзандлари, оиласи билан томоша қилгани ва яна кимдир ишдан қайтаётиб хордиқ чиқариш мақсадида бу масканга келган...

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг қаршисидаги ушбу фавворанинг жалб қилувчи жиҳати мавжуд. У юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликларга ҳамоҳанг равишда ўзига хос замонавий қиёфага эга бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти ва "Тошкент фаввораси" давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида чет эл лойиҳаси бўйича ишланган фаввора тузилиши, дизайни билан бетакрор ҳисобланади.

Муסיқа ва жўшқин ҳаракатлар уйғунлигини кўраётган томошабин завқланади. Фаввора овозига, авж пардадаги осмонга кўтарилган зилол сувга ҳаёли бир зум бўлса-да берилиб қолганини сезмай қолади. Ўртадаги асосий фаввора эса бир тарзда виқор ва сокинлик билан керилиб турибди. Турфа шаклдаги фавворачалар унинг атрофида бетакрор кўришни намоеъ этади. Шошқалоқлаб бир-бирини қувиб етаётган томчилар завқланиб кулаётган болакайни эслатади.

— Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан янги кўринишда таъмирланган фавворанинг ҳавзи майолика ҳаво ранг плиткалар билан қопланган. Шу боис ҳам сув денгиз кўринишини ифодалаган, — деб маълумот беради "Тошкент фаввораси" ДУКнинг бўлим бошлиғи Ҳабибулла Носиров. — Муסיқа уйғунлиги, фонтанларнинг турли рангларида

жилоланиши ва темпи буларнинг барчаси компьютер ёрдамида амалга оширилади.

Кундузги оппоққина шаффоф фавворанинг тунги кўриниши ўзгача. Кўзларингиздаги таассурот беихтиёр кўнглингизга кўчади. Ранглар жилосида отилаётган фаввора худди байрамлардаги мушаклардай турли тусда, хилма-хил ҳолатда порлаб отилади.

Маҳобатли фаввора миллий ва жаҳон дурдоналари классикаси уйғунлигига ҳамоҳанг, ҳатто мусиқадан анча йироқ инсоннинг ҳам қалб торларини чертиб ўтади. Ўзгача бир дунёга тушиб қолгандай бўласан, киши. Фаввора миллий мумтоз мусиқамиздан жаҳон классикасигача, ўзбек эстрада-сидан лазгигача рақсга тушиб беради. Сиз эса табиат қўйнидаги шинам ўриндикларда ўтириб, Султон Али, Моцарт, Шопенинг санъат асарларини тинглаб, ўзингизни сеҳрли муסיқа оламида ўтиргандай сезасиз.

Фонтан муסיқа садолари остида бир лаҳза тин олади-да, доимий ҳаракатини қўймайди. Кўшиқнинг авжида фавворанинг мавжлари каби янада

баландроққа кўтарилиб кетгандай бўласиз. Фонтан ичидаги махсус қурилманинг ҳаракати қанот қоқаётган кушнинг парвозини акс эттирибгина қолмай, уриб турган юракчалар шаклини ҳам ясайди.

Майингина шаффоф томчилар сизга самимиятдан сўзлайди. Бу ердан узоқлаша туриб, фавворага қалбингизнинг tub-tubidan mehr uyg'onganini his qilasiz. Яна ортга қайтингиз келаверади.

Самимият, томчилардек шаффофлик ҳукм сураётган ажиб бу маконга сизни ҳам таклиф этамиз. Раққоса фаввораларни кўриб, биз каби таассуротларни ўзингиз олсангиз, ажаб эмас.

Мухлиса МҰМИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Yurtim jamoli

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими ва о'рта maxsus та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Олий та'лим ва fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Бosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922.
Tiraj 25956.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Sanjar RUSTAMOV.

"Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Begzod JONTEMIROV.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.40
ЎЗА Якуми — 21.30